

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:332.234.4:631.1:502(575.172)

Раджапов Шерзод Джаббарберганович

**Мавзу: Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги
“Тўлқин” массивига бириктирилган ерларда ердан фойдаланишнинг
экологик оқибатларини аниқлаш.**

5А 620701 – “Ер тузиш ва ер кадастри” мутахассислиги

Магистр

академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., профессор

_____ С.Авезбоев

Тошкент - 2012

МУҲАРИЖА

Кириш	3
I–БОБ. Ердан фойдаланишнинг экологияга таъсири	9
1.1. Массивнинг табиий ва иқтисодий-ижтимоий шароитлари тавсифи.....	9
1.2. Ердан фойдаланишнинг экологияга таъсири.....	10
1.3. Массивда экологик ҳолати бузилган ерларни аниқлаш.....	20
II–БОБ. ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ БУЗИЛГАН ЕРЛАРНИ РЕКУЛЬТИВАЦИЯЛАШ	21
2.1.Экологик ҳолати бузилган ерларни техник рекультивациялаш	21
2.2.Экологик ҳолати бузилган ерларни биологик рекультивациялаш тартиби.....	25
2.3.Рекультивация қилинган ер участкаларидан самарали фойдаланиш йўллари белгилаш.....	26
III–БОБ. ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ БУЗИЛГАН ЕРЛАРНИ РЕКУЛЬТИВАЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ	34
3.1.Илмий асосланган ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.....	34
3.2.Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.....	35
3.3. Хаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари.....	41
3.4.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг қишлоқ хўжалигига таъсири ва уни бартараф этиш йўллари.....	49
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	61
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ..	62
ИЛОВАЛАР	65

КИРИШ

Республикаимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган 2011 йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида янги ютуқ ва натижаларга жуда бой бўлди. Президентимиз И.А.Каримов 2012 йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ўтган йил натижаларига атрофлича тўхталиб, жорий йил вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жаҳонда эътироф этилган тараққиётнинг ўзбек модели ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, дунё иқтисодиётида юз бераётган инқироз ҳолатларига қарамасдан, 2011 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминлангани қайд этилди.

Бу маърузанинг илмий-назарий аҳамияти аввало унда бугунги кунда жаҳон миқёсида кўзга ташланаётган иқтисодий ривожланиш тенденциялари,

мавжуд муаммолар, глобал инқироз ҳолатини баргараф этиш бўйича амалда қўлланилаётган чора-тадбирлар чуқур таҳлил этиб берилганида кўринади. Айнан ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг самарадорлигини таъминлаётган омилларнинг мазму-моҳияти очиб берилди.

Маълумки, юртимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябр ойида мамлакатимизга келган миссиясининг баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришгани ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётгани қайд этилди, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилди¹.

Президентимиз Ислон Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида энг аввало кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларни атрофлича таҳлил этиб берди. Юртбошимиз бу борада дунёдаги таниқли иқтисодчилар, нуфузли эксперт ва мутахассисларнинг баҳолари ва чиқараётган хулосалари принципиал жиҳатдан ягона бир фикрга келаётгани, жумладан, жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлаб ўтди.

¹ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 5-бет.

Маълумки, ўзининг салбий таъсири билан инсониятга жиддий ташвишлар туғдираётган, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини издан чиқараётган молиявий-иқтисодий инқироз ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги мутаносибликлар, хусусан реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг бузилиши оқибатида вужудга кела бошлади. Бу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг қўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий архитектурада жиддий нуқсонларга йўл қўйилиши, миллий иқтисодиётдаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиши ва борган сари кескин, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тус олишига сабаб бўлди. Айниқса, молиявий маблағлардан спекулятив мақсадларда фойдаланишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги молиявий муассасалар билан бир қаторда аҳолининг ҳам ипотекали кредитлаш тизими орқали кенг жалб қилиниши мазкур жараёнларнинг жадаллашувига ва охир-оқибатда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланишига сабаб бўлди.

Мавзунинг долзарблиги. Ер кишлок хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисоблангани учун ерга оид муносабатларни ислоҳ қилиш Республикамизда ўтказилаётган аграр ислохатларнинг негизини ташкил қилади.

Шу билан бир қаторда Республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлиги экин турларини жойлаштиришдаги, ўғит ва бошка ресурслар билан ўз вақтида

таъминлашдаги камчиликлар ҳамда агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги туфайли паст даражада қолмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда аграр ислохатларнинг ҳозирги босқичидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим йўналишлардан бири - бу жойлардаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига яроқсиз ҳолга тушган, бузилган ерларни ҳудуднинг табиий ва хўжаликнинг иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда бузилган ерларни рекультивация қилиш (қайта тиклаш) ҳисобланади. Ер тузиш бўйича тадбирлар тизими ерга бўлган мулкчилик шакллари ривожлантиришда, бузилган ер майдонларини рекультивациялаш ва уларнинг ҳудудларини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда ернинг муҳим хусусияти ҳисобланган тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган агротехник ва бошқа тадбирларни қўллаш ижобий самара беради. Шу сабабли, бузилган ерларни рекультивация қилиш билан боғлиқ ер тузишда ҳудуднинг табиий шароитларини тавсифловчи маълумотлардан фойдаланиш ҳам илмий ҳам амалий жихатдан муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг мақсади ва вазифаси. Диссертациянинг мақсади экологик ҳолати бузилган ерларни рекультивациялаш орқали ерда фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳудудий шароит яратишдан иборат. Шу мақсаддан келиб чиқиб, диссертацияда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларини тўлиқ ўрганиб чиқиш;
- экологик ҳолати бузилган ерларнинг жойлашган ўрни ва майдонларини аниқлаш;
- экологик ҳолати бузилган ерларни рекультивациялашнинг техник шароитларини тайёрлаш;

- экологик ҳолати бузилган ерларни рекультивациялаш лойиҳасини иқтисодий ва экологик асослаш.

Натижаларни тадқиқ этиш ва синаш. Диссертация мавзуси буйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси 2010-2011 йилларда институтда бўлиб ўтган магистрларнинг амалий анжуманларида маъруза қилинган. Илмий – тадқиқот ишлари бўйича 2 та мақола илмий тўпламларда чоп этилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экологик ҳолати бузилган ерларни рекультивациялаш масалалари билан республикамизнинг бир қатор етакчи олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Лекин, олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда фермер хўжаликлари фаолият юритаётган шароитдаги муаммолар ўз ечимларини топмаган. Бугунги кундаги бузилган ерларни ерларни рекультивациялаш асосий муаммолардан биридир. Бу ҳолатлар илмий тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлди.

Изланиш предмети ва объекти. Диссертацияда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг объекти сифатида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудидаги экологик ҳолати бузилган ерларнинг жойлашган ўрни ва майдонларини аниқлаш, предмети сифатида ушбу ерларни рекультивация қилиш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиш хизмат қилади

Диссертацияда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг объекти сифатида Қорақалпоғистон республикаси Амударё туманидаги “Тўлқин” массиви танланди.

Изланишдаги янгилик. Диссертацияда асосий масала сифатида, экологик ҳолати бузилган ерларни рекультивациялаш масалалари ва унинг самардорлигини аниқлашда ер тузишнинг ўрни ва аҳамияти қабул қилинади. Ундан ташқари диссертацияда экологик ҳолати бузилган ерларни

рекультивациялаш билан боғлиқ ер тузиш лойиҳаларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Ерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун яроқлилиги (ҳар хил экинлар ва ер турлари учун) бўйича баҳолаш, изланишлар ва қидирув материалларини, участкаларни жойларда чуқур ўрганиш натижасида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконияти аниқланди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Диссертацияда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижалари ва улардан келиб чиқадиган таклифлардан республикада фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжуд бўлган экологик ҳолати бузилган ерларни қайта тиклаш мақсадида амалга ошириладиган ер тузиш ишларида фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

Биринчи бобда- массивнинг табиий ва иқтисодий-ижтимоий шароитлари тавсифи, ердан фойдаланишнинг экологияга таъсири ва массивда экологик ҳолати бузилган ерларни аниқлаш масалаларини тавсифловчи маълумотлар келтирилган.

Иккинчи бобда- экологик ҳолати бузилган ерларни техник рекультивациялаш, экологик ҳолати бузилган ерларни биологик рекультивациялаш тартиби ва рекультивация қилинган ер участкаларидан самарали фойдаланиш йўллари белгилаш масалалари ёритилган.

Учинчи бобда- илмий асосланган ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари ҳамда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг қишлоқ хўжалигига таъсири билан боғлиқ масалалар ёритилган.

I–БОВ. Ердан фойдаланишнинг экологияга таъсири

1.1. Массивнинг табиий ва иқтисодий-ижтимоий шароитлари таъсири

Иқлими. Массив ҳудудининг иқлими кескин континентал иқлим бўлиб, ёз ойлари иссиқ, баъзан жазирама иссиқ, қиш ойлари эса аксинча совуқ бўлиши билан ажралиб туради.

Массив ҳудуди чўл минтақасига киради. Амударё тумани ва шу атроф иқлимини доимий кузатувчи “Нукус” метеостанциясининг берган кўп йиллик маълумотларига қараганда, энг иссиқ июл ойининг ўртача ҳарорати $+22^{\circ}\text{C}$, энг юқори ҳарорат $+44^{\circ}\text{C}$, $+46^{\circ}\text{C}$, январ ойининг ўртача ҳарорати, 2°C ва энг паст, минимал ҳарорат -18 ; -20°C ташкил этади. Йиллик ўртача ёғингарчилик миқдори 256 мм ташкил этади (1-жадвал).

Амударё туманида, жумладан Тўлқин массив ҳудудида совуқ кунлар миқдори 72 кунни ташкил этса, аксинча совуқсиз кунлар 212 кунни ташкил қилади. Туманда ер музлашининг илк даври 20-21 октябрь кунларига ва сўнгги даври 30 мартга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун энг қулай муддат ҳудудда март ойининг охири ва апрель ойининг бошларига тўғри келади.

Массив ҳудудида йил давомида ёғингарчилик кам бўлади ва унинг кўрсаткичи 80-100 мм ташкил қилади. Энг кўп ёғингарчилик миқдори баҳор ойларига тўғри келади. Ёз ойида эса умуман ёғингарчилик бўлмайди.

Шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 4-5 м/сек ташкил этади. Шамол асосан шимолий-шарқ томондан эсгани ҳолда бу умумий шамол миқдорининг 30%, шимолий-ғарбдан эсадиган шамол миқдори 18 %, ғарбдан 10% , шимолдан 15%, шарқ томондан 6-10 м/сек Тезликда эсадиган шамол миқдори 14 % ташкил қилади.

Тўлқин массиви ҳудуди умуман иқлим шароити бўйича пахта, буғдой каби техник экинларини етиштириш учун қулайдир.

Нукус метостанциясининг маълумотларига асосан иқлимнинг йиллик ўртача кўрсаткичлари

	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ҳарорат:													
Ўртача	-1.5	2.1	8.1	15.4	22.1	26.9	29.1	27.1	21	13.1	6.3	0.7	14.2
Юқори	21	29	32	33	35	37	39	40	35	32	30	10	35
Паст	-29	-24	-21	-8	2	6	11	8	-1	-13	-25	-28	-29
Шамолнинг ўртача тезлиги, м/с	9	1,3	1,6	1,7	1,6	1,5	1,4	1,3	1,3	1,4	1,2	1,2	1,4
Ёгингарчилик миқдори, мм	31	26	41	40	24	10	3	1	3	20	26	31	256
Шамолнинг кайтарилиши:													
Ш	13	13	16	20	19	19	22	20	19	18	15	13	17
ШШҚ	21	24	22	16	15	15	11	10	13	17	19	20	17
ШҚ	24	21	18	15	17	17	16	14	17	19	22	23	19
ЖШҚ	11	9	8	8	10	19	9	11	8	7	8	11	9
Ж	8	9	6	9	8	8	7	6	4	5	6	8	
ЖҒ	6	6	7	7	7	8	7	8	6	6	6	6	7
Ғ	6	6	8	8	7	9	10	11	12	10	8	6	8
ШҒ	11	12	15	17	17	15	18	20	21	18	16	13	16

Рельефи. Массив жойлашган ҳудуднинг рельефи асосан текисликлардан иборат бўлиб, умумий нишаблик жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга қараб йўналган. Массивнинг баъзи ҳудудларида рельеф бироз мураккаб бўлиб, турли паст-баландликлардан иборатдир. Массив ерлари Қорақалпоғистон дарёсининг 4-террасасида жойлашган бўлиб қуйидаги элементлардан ташкил топган: а) текисланган майдонлардан; б) косасимон паст текисликлардан; в) тўлқинсимон текисликлардан; г) адирсимон текисликлардан; д) қиясимон текисликлардан. Массив ҳудудидаги тупроқларнинг механик таркиби, сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик даражаси рельеф турларининг тузилишига бевосита боғлиқ, тупроқ айирмасининг паст ва ўрта қисми ҳар хил қумлоқли айрим жойларда лойли ва қумли жинслардан тузилган. Косасимон паст текисликлар қадимдан суғорилиб келаётган Бозсув ва бошқа каналларнинг атрофида жойлашган бўлиб, юқори қисмида қумоқли, пастки ва ўрта қисмида тупроқли ўтлоқли – аллювиалли ва енгил, ўрта ва оғир механик таркибли бирикмалардан иборат.

Тўлқинсимон текисликлар янгидан ўзлаштирилган проллювиал жинслардан тузилган ва улар асосан адирли паст текис жойларда ривожланган. Уларнинг механик таркиби турли қумоқлар, шағаллар ва ҳар хил тошлардан ташкил топган.

Шундай қилиб, Амударё туманининг рельефи кўп жойларда текисланган майдонлардан ташкил топган. Уларда ривожланган ва тарқалган тупроқларнинг механик таркиби қумли, қумоқли ва айрим жойларда оғир қумоқли ва лойли бўлиб, ўзларига хос ва мос хоссаларга эгадир.

Тупроқлари. Массивнинг текширилган ерларидаги тупроқларнинг механик таркиби, сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик даражаси, рельеф турларининг тузилишига бевосита боғлиқ. Каналларнинг атрофида жойлашган юқори қисми, паст ва ўрта ва оғир механик таркибли

бирикмалардан иборат. Тўлқинсимон текисликлар янгидан ўзлаштирилган проллювиал ва лёссли жинслардан тузилган ва улар асосан, адирли паст жойларда ривожланган. Уларнинг механик таркиби турли кумоқлар, шағаллар ва ҳар хил катталиқдаги тошлардан ҳосил бўлган. Шунинг учун бу хилдаги ёткизликлар қатламларининг тузилиши жойларда турли кумоқ, кум ва лой заррачаларидан ташкил топган. Лёссли ва деллювиал ёткизликлар фақат тоғ олди ерларида тарқалган. Улар кулранг енгил ва ўрта кумоқли ҳисобланадилар.

Массив ерларида генетик гуруҳга кирувчи тупроқлар учрайди: қадимдан суғориладиган, суғориладиган ва янгидан ўзлаштирилган ўтлоқли аллювиал, ўтлоқли, суғориладиган ўтлоқли-тақирсимон, суғориладиган тақирсимон ва ўртача шўрланган тупроқлар тарқалган.

Бу тупроқлар турларининг асосий физикавий ва кимёвий хоссалари хўжаликнинг тупроқ харитаси экспликациясида кўрсатилган ва тушунтирилган (2-жадвал).

Ўрганилган турли тупроқларнинг кимёвий таҳлил натижалари, улардаги тузлар таркиби, миқдори ва сифати хўжалик учун тузилган тупроқлар шўрланиш картограммасида ва унга тегишли экспликацияда аниқ кўрсатилган.

Тупроқнинг шўрланиш даражаси асосан уларнинг таркибидаги хлор иониға, сульфат иониға ва куруқ қолдиққа боғлиқ.

Шўрланган ерларнинг умумий майдони 56 га. Шулардан 53 га суғориладиган майдонлардир.

Хўжаликнинг асосий қисмида шўрланиш тури хлоридли-сульфатли ва сульфат-хлоридли. Енгил механик таркибли, тупроқларда тузларнинг таркиби хлорид-сульфатли, оғир механик таркибли тупроқларда эса шўрланиш тури сульфатли-хлоридли ва хлоридли-сульфатли.

Хўжалик ерлардаги шўрланишнинг асосий манбаи, турли даражадаги минераллашган сизот сувлари ҳисобланади. Уларнинг иссиқ кунлар даврида бўғланиши натижасида суғориладиган ерларда ҳар хил кўринишга эга бўлган шўрланиш майдонлари ҳосил бўлади.

Умумий шўрланиш майдони анча мунча ўзгармаган бўлса ҳам шўрланиш даражаси бўйича бир мунча ўзгаришлар содир бўлган. Бу жараён суғориладиган тупроқларда эрувчан тузларнинг тўпланишига ва уларнинг ювилишига боғлиқдир. Шу боис хўжаликда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва қишлоқ хўжалик экинларининг жойини алмаштиришга ёки бошқа хил алмаштириб экишни жорий қилишга олиб келади.

Ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш, асосан шўр ювиш ишлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бош агромеритотив чора тадбирларидан ҳисобланади. Шунинг учун хўжаликда тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва механик таркибига кўра шўр ювиш меъёри ва вақтлари кўрсатилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу амалий маълумотлар хўжалик учун тузилган шўр тупроқлар картограммасида ўз аксини топган.

Тупроқлардаги шўрларни ювиш ишлари ноябрнинг биринчи ўн кунлигида ўтказилса, тупроқ ва суғориш суви унча совумаган бўлади. Айнан, шу даврда тупроқлардаги тузларнинг эриши анча яхши кузатилади ва уларнинг тупроқлар профилида даражаларга оқишига қулай шароит ҳосил бўлади.

Кузда суғориш сувлари етишмаган вақтда, қумоқли ва қумли шўр тупроқларни ювиш ишларини баҳорда, март ойларида ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Текширишлар шуни кўрсатадики, хўжалик Қорақалпоғистон воҳаси текислигида жойлашганлиги учун сизот сувларининг чиқиб кетиши секинлашган айрим далаларда эса уларнинг оқовалиги талабга мувофиқ таъминланмаган ҳудудларда коллектор дренаж

тармоқларидан фойдаланиш кўрсаткичи анча паст. Шунинг учун ушбу майдонлар ва далаларда коллектор ва зовурларнинг ҳамда дренажларнинг оқовалигини таъминлаш лозим. Бунинг учун дренажларини тозалаш, уларнинг оқовалиги ва чуқурлигини талаб даражасига олиб келиш, агромегиоратив ишлари бажарилиши керак. Тупроқлардаги шўр ювиш ишлари далалардаги турли даражада шўрланган майдонлардан маълум тупроқ кесмасидаги тузларни ювиш ва уларнинг миқдорларини суғориладиган ерлардан чиқаришни мақсад қилиб қўяди.

Натижада тупроқлардаги тузлар нафақат кўшни майдонларга, хўжалик далаларидан ташқари ҳудудларга чиқариб юборилади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқларнинг шўрини ювиш учун хўжалик ичидаги ва хўжаликлараро коллекторлар, зовур ва дренажларнинг чуқурлигини 3,5-4,0 м чуқурликка етказиб, уларнинг оқовалигини яхши таъминлаш лозим. Бу ишларни комплекс агротехник ва мелиоратив тадбирларни қўллаш билан амалга ошириш мумкин. Бунинг натижасида хўжаликнинг ер майдонларида шўр тупроқларининг майдонлари камаяди, уларнинг унумдорлиги кўпаяди, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ошади.

2-жадвал

Тупроқ экспликацияси

№	Тупроқнинг номи	Механик таркиби	Шурланиш даражаси	Тупроқнинг ювилиш даражаси	балли
1	Қадимдан суғориладиган, суғориладиган ва янгидан ўзлаштирилган аллювиал, ўтлоқли тупроқлар	Енгил кумоқ	Ўртача шўрланган	Ўртача	56
2	Суғориладиган ўтлоқли	Ўрта	Кам	кам	58

тақирсимон, суғориладиган тақирсимон воҳали ва бошка турли даражада шўрланган тупроқлар тарқалган.	кумоқ тупроқ	шўрланган		
---	-----------------	-----------	--	--

Ўртача бонитет 57 балл

Ирригация ва мелиорация шахобчаларининг тавсифи. Массив ерлари асосан Бозсув канали сувлари билан суғорилади. Массив худудидаги фермер хўжалиklarининг сув билан таъминланиши қониқарсиз даражада. Шу сабабли, айрим жойларда суғориладиган майдонларда ерларни суғориш учун зовур сувларидан ҳам фойдаланилади.

Ер ости сувларининг асосий манбаи-суғориладиган ерлардан ва суғориш тармоқларидан филтрланган сувлардир.

Уларнинг энг паст сатхи (1,0-2,0 м) суғориладиган далаларнинг энг паст қисмида, яъни косасимон рельеф шаклида кузатилади. Энг юқори сатхи баландроқ кўринишида бўлган ерларда, яъни тупроқ юзасидан 2,0-3,5 чуқурликда учрайди. Суғориш сизот сувлари сатҳининг кўтарилишида олиб келади. Бу ходиса эса тупроқлардаги тузларнинг пастки қатламларидан юқори ва ўрта қатламда тўпланишига олиб келади ва шўрланиш жараёнини кучайтиради.

Чунки бу сувлар таркибида бўлган турли эрувчан хлорид ва сульфат тузлари капилляр найчалардан баландликка кўтарилади ва буғланади. Тупроқнинг устки қисмида шўрланган жойлар ҳосил бўлади. Сизот сувларининг кимёвий таркиби хлоридли-сульфатли ва сульфат-хлоридли типда бўлиб, кўп жойларда 3-5 г/л минераллашган. Ёзги даврда

суғориладиган майдонларда сизот сувларининг миқдори кўпроқ бўлган сабабли, уларнинг минераллашганлик даражаси камроқ бўлади.

Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлариغا бириктирилган майдонлар суғориш тармоқлари билан етарлича таъминланган. Хўжалик ичида барпо этилган суғориш каналларининг асосий камчилиги шундан иборатки, ушбу тармоқлар асосан ерда қазилган, турли инженерлик-гидротехник иншоотлар билан кам таъминланган. Натижада, вегетация даврида меъёридан анча ортиқча миқдорда сувнинг исроф бўлиши кузатилади. Массив ҳудудидаги каналларнинг ўртача йиллик фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,58-0,60 ташкил этади, яъни умумий сув миқдорининг 42-40 % исроф бўлади. Бундан ташқари хўжалик ҳудудининг баъзи жойларида учрайдиган майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далаларнинг нотўғри тузилганлиги ҳам сувнинг ортиқча исроф бўлишига олиб келади.

Массивнинг табиий шароити қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай, лекин қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, агротехника ишловларини ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Массив ҳудудидан ўтаётган зовурларнинг бузилиши натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган. Шу сабабли, бузилишга учраган ер майдонларида рекультивация ишларини олиб бориш талаб қилинади.

Меъёридан ортиқча ер ости сувларини йиғадиган ва массив ҳудудидан ташқарига олиб чиқадиган тармоқ-коллекторлар тизимидир. Коллектор тармоғи ҳам хўжалик ҳудудида яхши ривожланган, чунки ҳар йилги далалар шўрини ювиш, баҳор ойлари ер ости сувлари кўтарилиб кетишининг олдини олиш наинки туман, балки вилоят қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосини ташкил этади.

Аҳоли яшаш жойлари тавсифи. Хўжаликнинг бир қисми туман маркази билан туташган. Натижада хўжалик вилоят ва туман марказлари

хамда маҳсулотларни қабул қилиш пунктларига яқин бўлиб, 1478 киши истиқомат қилади. Қишлоқ электр энергияси билан тўла таъминланган ва газлаштирилган. Барлос қишлоғи энг асосийси ҳисобланади. Бу қишлоқ массив марказида жойлашган бўлиб, ундатехникани таъмирлаш устахонаси, омбор бинолари, мактаб, болалар боғчаси, маданият саройи, савдо-сотик дўконлари ва кейинги йилларда ташкил этилган кичик корхоналар мавжуд.

Қишлоқдаги аҳоли меҳнатга яроқлилар сони 3-жадвалга келтирилган.

3-жадвал

Массивнинг аҳоли яшаш жойлари тавсифи

№	Қишлоқнинг номи	Оилалар сони	Аҳоли сони	Меҳнатга яроқлилар сони	Томорқа ерлар майдони, га
1	Тўлқин	1042	4200	2153	365.3
2	Тама	357	1462	745	125.0
3	Маданият	472	1935	1005	165.4
	жами	1871	7597	3903	655.7

Массивда ердан фойдаланиш тавсифи

Амударё тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг берган маълумотларига кўра 2011 йилда “Тўлқин” массиви ҳудудида жойлашган ер турларининг тавсифи 4- жадвалда келтирилган.

Tapx

Массив ер фондининг ер турлари бўйича тавсифи

№	Ер турлари номи	Умумий майдони,га	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1.	Ҳайдалма ерлар:	1763.7	50.0	84.1
2.	Кўп йиллик дарахтзорлар, жами: Ш. Ж.:Боғлар Тутзорлар	108.2 36.0 72.2	3.1	5.1
3.	Ўтлоқ ва яйловлар	93.5	2.6	4.4
4	Бўз ерлар	133.1	3.8	6.4
	Жами қишлоқ хўжалик ер турлари	2098.5	59.4	100
5.	Томорқа ерлари	655.7	18.6	
6	Мелиоратив тайёргарликдаги ер	20.0	0.8	
6	Ихота дарахтлари ва теракзор	20.5	0.8	
7.	Ариқ, каналлар ва зовурлар	462.1	13.1	
8	Кўллар	7.4	0.2	
9.	Йўллар	74.7	2.1	
10.	Қурилишлар, кўчалар, саройлар ва майдонлар	49.2	1.1	
11	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	139.5	3.9	
	Хўжаликка бириктирилган ерлар, жами	3532.9	100	

4-жадвал маълумотларидан кўринадики массив умумий майдонининг 50.0 % ини ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 108.2 га, бу эса

умумий майдоннинг 2.1 % ини ташкил этади. Қишлоқ хўжалик ерлари 2098.5 гектар бўлиб умумий ер майдонинг 59.4 % ташкил қилади.

1.2. Ердан фойдаланишнинг экологияга таъсири

Бизни ўраб турган табиий муҳит тирик мавжудотларнинг яшаш жойи ва ҳар қандай ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун табиий моддий асос ҳисобланади. Шунинг учун у барча тирик организмларга таъсир кўрсатади ва унинг таъсири остида ҳудуднинг табиий экологик тизими шаклланади.

Атроф муҳитнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсир этадиган айрим хусусиятлари ва қисмлари экологик омиллар деб аталади ва 3 гуруҳга бўлинади: абиотик, биотик ва антропоген.

Абиотик омиллар (жонсиз табиатнинг хусусиятлари) қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларга бевосита ёки билвосита таъсир этади. Уларга: ёруғлик, радиактив нурланиш, ҳарорат, ҳаво намлиги, шамол, ёгингарчилик, босим, рельеф ва ш.ў. Ҳозирги вақтда ушбу омилларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида инсон томонидан умуман бошқарилмайди, фақат кичик бир бўлаги қисман бошқарилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий вазифаси улардан ер ва сув ресурслари билан биргаликда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида, самарали фойдаланишдир.

Биотик омиллар (тирик мавжудотларнинг бир-бирига таъсири) ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Табиатда ҳар бир организм доимо ўзига бошқа организмларнинг бевосита ёки билвосита таъсирини сезиб туради, ўзи уларнинг таъсирига боғлиқ бўлади ёки уларга таъсир ўтказади. Масалан: боғдорчиликда ўзидан чангланмайдиган навлар чангланттирувчи навлар билан жойлаштиришни талаб этади, асаларилар боғларнинг, пахта ва бошқа

экинларнинг ҳосилдорлигини оширади, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоялашнинг биологик воситалари (тирик организмлар) зарарли ҳашоратларнинг кўпайишини тўхтатиб туришади, ёввойи ўтлар маданий экинларни қийин аҳволга туширишади ва бошқалар.

Шунинг учун ер тузиш жараёнида қишлоқ хўжалик корхоналарини жойлаштириш ва ихтисослаштиришда қишлоқ хўжалик экинларини ва чорва молларини илмий асосланган ҳолда танлаш табиий. Шу жумладан, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширади, экологик ҳалокатга учраган ҳудудларда тангликдан чиқишни тезлаштиради. Демак, экинлар ва чорва моллари таркибини оптималлаш уларнинг биологик боғлиқлигини оптималлаштиришдир.

Антропоген омиллар (жамиятдаги инсон фаолиятининг барча шакллари) айрим турдаги ҳайвонлар, ҳашоратлар ва ўсимликларнинг яшаш шароити ўзгаришига олиб келади ёки тўғридан тўғри уларнинг ҳаётига таъсир кўрсатади. Антропоген ландшафтларни яратишга қаратилган ер тузиш лойиҳалари ҳудудни айрим таркибдаги қишлоқ хўжалик экинларини экишга ёки чорва молларини боқишга мослайди. Бунда танланган экинларга мосланган антропоген омиллар табиий ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг кўплаб турлари учун унчалик мос келмаслиги, ҳатто яроқсиз бўлиши мумкин.

Бунинг натижасида табиий ўсимликлар ва ҳайвонотларнинг кўплаб турлари янги шароитга мослашади ёки ўлиб кетишади. Шундай қилиб, табиий ландшафтлар ўрнида яратилган антропоген ландшафтлар ўсимликлар ва ҳайвонот дунёлари таркиби бўйича сезиларли даражада камбағал, шу сабабли, кўпчилик ҳолларда экологик турғунлик бузилади, бунинг натижасида антропоген ландшафтлар турғун бўлмайди. Шу сабабли, антропоген ландшафтларнинг турғунлигини таъминлаш учун доимий равишда моддий, меҳнат ва бошқа ҳаражатлар талаб этилади.

Маълумки, атроф муҳитнинг экологик омиллари ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва молларига бир хил таъсир этмайди. Уларнинг таъсири қуйидагича бўлади:

- 1) физиологик ва биологик функцияларини ўзгартириб мослашишга олиб келувчи;
- 2) янги шароитда уларнинг яшашини мумкин эмаслигини кўрсатувчи;
- 3) организмларнинг анотомик ва морфологик ўзгаришига олиб келувчи;
- 4) бошқа омилларнинг ўзгариши тўғрисида хабар берувчи.

Антропоген омилларнинг таъсири қандай кўринишда намоён бўлишини олдиндан билиш, ер тузиш лойиҳасининг экологик салбий таъсирини минимал даражага тушириш имконини беради.

Экологик омилларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсирининг ва уларнинг жавоб реакцияларининг ҳар хил бўлишига қарамадан, қатор умумий қонуниятларни аниқлаш мумкин.

1. Оптимум қонуни. Ўзгарувчан экологик омилларнинг қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва молларига ижобий ва салбий таъсири аввало унинг таъсир кучига боғлиқ. Омилнинг кам ёки ортиқча таъсири ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳайт фаолиятига салбий таъсир этади. Ўсимликларнинг ҳайвонлар ҳар бир тури учун энг қулай таъсир кучи ушбу тур учун оптимум зонаси ҳисобланади. Оптимумдан қанчалик кўп узоқлашса, ўсимликлар (ҳайвонлар) ҳаёт фаолияти шароити шунчалик ёмонлашади. Омил таъсири натижасида ўсимлик (ҳайвон) яшашини мумкин бўлган, максимал ва минимал нуқталар критик нуқталар деб аталади ва омилнинг таъсир кучи ушбу кўрсаткичлардан юқори ёки паст бўлса ўсимлик (ҳайвон) яшай олмайди.

Барча табиатни тузиш, шу жумладан, ер тузиш тадбирлари ушбу қонуниятга асосан ишлаши керак. Фақат шундагина экологик турғун агроландшафтларни ва унинг асосида самарали ишлаб чиқаришни яратиш мумкин. Айниқса бу қонунни қишлоқ хўжалигини ихтисослаш ва жойлаштиришда ҳисобга олиш зарур. Сабаби, бунда маълум минтақанинг экологик омилларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик экинларининг, чорва молларининг, мевали дарахтларнинг шароитига мос турлари, насллари белгиланади ва улар ўзлари учун оптимал бўлган шароитларда ривожланади.

2. Ҳар бир омилнинг ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларига ва ҳайвонлар турларига ҳар хил таъсири. Ҳар бир экологик омил қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва моллари турларига бир хил таъсир этмайди. Бир хил тур учун оптимал бўлган таъсир, бошқа тур учун пессимум бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик экинлар ўзларининг иссиқликка, намликка, ёруғликка, рельефга ва бошқаларга бўлган талаблари бўйича бир-бирларидан фарқ қилади. Бу омилларнинг бир экин учун оптимал кўрсаткичлари бошқа экин учун ёмон таъсир этиши ёки ҳалокатга олиб келиши мумкин. Масалан: шолининг оптимал суғориш меъёри пахта учун ҳалокатли ва тескариси.

Ҳар бир экологик факторнинг таъсирини билиш ҳар бир хўжаликда, туманда, минтақада ер тузиш чизмаларини ва лойиҳаларини ишлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари таркибини экологик хавфсиз, оптимал танлаш масаласини тўғри ечиш имконини беради.

3. Қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларининг турлари ва навларининг муҳит экологик омиллари таъсирига жавоб реакцияларнинг ўзгарувчанлиги, вариантлилиги ва ҳилма-ҳиллиги. Айрим турларнинг чидамлилиқ даражаси, критик чегаравий нуқталари, оптимал ва пессимал зоналари бир-бирларига мос келмайди. Улардан айримлари айрим экологик

омиллар таъсирига чидамлироқ, айримлари чидамсизроқ бўлади. Шунинг учун улар курғоқчиликка, совуққа, шўрланишга, ҳавонинг, сувнинг, тупроқнинг ифлосланишига, иссиқликка ва шунга ўхшаш бошқаларга чидамлироқ ёки чидамсизроқ навлар ва турларга бўлинади. Уларнинг бу хусусиятларини билиш самарали қишлоқ хўжалигини ташкил этишда, айниқса турғун бўлмаган иқлим ва экологик шароитларга эга минтақаларда, катта аҳамият касб этади.

4. Қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонлар ҳар бир экологик омилга нисбатан мустақил тарзда мослашади. Қайсидир омилга нисбатан чидамлилик даражаси бошқа омилларга нисбатан мос келмайди. Шунинг учун ер тузиш чизмалари ва лойиҳаларини ишлашда атроф-муҳитнинг ҳар бир омилига нисбатан экологик чидамлилик даражасини белгилаш ва ҳар бир турнинг, ўсимликлар навининг ва чорва моллари наслининг экологик тавсифини аниқлаш ва улардан фойдаланиш керак.

5. Айрим турларнинг экологик кўрсаткичлари бир-бирига мос тушмайди. Ҳар бир тур, нав ва наслининг экологик имкониятлари ўзига хосдир. Шунинг учун барча қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаш билан боғлиқ ишланмалар ва ер тузиш тадбирлари экиладиган экинлар турлари, навларининг ва моллар наслларининг экологик кўрсаткичларини ҳисобга олиб ишланиши керак. Шундай турлар, навлар ва наслларнинг шундайларини танлаш керакки, бир томондан табиий, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминласин, иккинчи томондан эса – турғун агроландшафтларни яратиш имконини берсин.

6. Омилларнинг биргаликдаги таъсири. Қишлоқ хўжалик экинлари ва молларининг атроф муҳитнинг қайсидир омилига нисбатан оптимал зонаси ва чидамлиликдаги таъсирининг кучига ва нисбатига қараб ўзгариши мумкин. Омилларнинг биргаликдаги таъсири уларнинг уларнинг

айримларининг ўрнини қисман бошқаси қоплаши самарасини яратади. Шу билан бир қаторда, муҳит омиллари таъсирини бошқалари ҳисобига қоплаш ўзининг маълум чегараларига эга. Шунинг учун бир омилни бошқаси билан тўла алмаштириш мумкин эмас.

Экологик омилларнинг биргаликда таъсири қонуниятини билган ҳолда қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва молларининг оптимал ҳаёт фаолияти учун шароит яратиш мумкин. Бунда айрим омилларнинг оптимал ўлчамларидан биров четга чиқиш ҳам мумкун.

7. Чекловчи омиллар қоидаси. Агарда экологик омилларнинг биттаси кўрсаткичи критик нуқталар кўрсаткичидан ташқари чиқса ҳалокат юз беради. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини режалашда худуднинг у ёки бу тармоқнинг ривожланишини чекловчи омилларни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ердан фойдаланишда чекловчи омилларни сунъий тарзда мослаш ёрдамида уларнинг салбий оқибатларини тугатиш, агар бунинг иложи бўлмаса ушбу, нав ёки наслни режадан чиқариш кўзда тутилади. Масалан, Ўрта Осиё минтақасида асосий чекловчи омил – намлик таъминоти ҳисобланади. Бу ерда табиий намлик етишмаслигини суғориш ёрдамида тугатиш ва ҳар бир тур ва нав учун оптимал шароит яратиш мумкин.

Ердан фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ҳозирги вақтда асосан ҳар йили ўзи қайта тикланмайдиган антропоген экологик тизим яратилади. Маданий ўсимликларни ҳар йили қайтадан экиш ва тарбиялаш керак. Агар экиш ва тарбиялаш ишлари тўхтатилса олдинги табиий экологик тизимнинг ўз-ўзидан тикланиш жараёни бошланади. Шунинг учун антропоген экологик тизимларни турғун ҳолда сақлаш учун ҳар йили меҳнат ва моддий ресурсларни саралаш керак бўлади. Ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида, амалдаги ер тўғрисидаги қонунларга асосан, майдон ва сифат

кўрсаткичлари муҳофаза этилади. Ер тузиш бўйича барча ечимлар экологик талабларга жавоб бериши ва салбий оқибатларга олиб келмаслиги керак.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуи агроэкологик районлаштириш асосида белгиланади.

Биринчи навбатда бажариладиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари жумласига қуйидагилар киради:

ерни эрозиядан, шўрланишдан ва ботқоқлашишдан сақлаш;

ернинг бузилишига олиб келадиган антропоген таъсирларнинг олдини олиш ёки камайтириш;

бузилган ерларни рекультивациялаш (тиклаш);

махсус қўриқланадиган ҳудудлардан фойдаланиш тартибига риоя қилиш; сувни ва ҳавони (атмосферани) ифлосланишдан сақлаш.

Ҳудуднинг агроэкологик хусусиятларига қараб тупроқ эрозиясига қарши ер тузиш, агротехника, агроўрмон мелиорацияси ва гидротехника тадбирлари мажмуи ишланади. Бу ишларни бажаришда аввал ер тузиш тадбирлари таркиби аниқланади. Уларга қуйидагилар киради: ерларни бир турдан иккинчи турга ўтказиш (трансформациялаш); хўжаликлар чегараларини, экинлар таркибини, хўжаликлар ихтисосликларини ўзгартириш; тупроқни муҳофаза қилувчи махсус алмашлаб экишни жорий этиш. Кўпинча шу тадбирларнинг ўзи ҳам эрозия жараёнини тугатиш учун етарлик бўлади. Мураккаб вазиятларда эрозия жараёнини тугатиш учун махсус гидротехника ва агроўрмон мелиорацияси тадбирлари режалаштирилади. Шўрланиш ва ботқоқлашиш махсус мелиорация тадбирларини (зовур ва дренажлар тармоғини қуриш) ўтказиш, ердан фойдаланиш йўлларини, суғориш усулларини ва техникасини тўғри танлаш ёрдамида тугатилади [36]. Ернинг антропоген таъсирлар натижасида бузилиши турлари хилма-хилдир. Улар жумласига: оғир қишлоқ хўжалик техникаси таъсирида тупроқ қатламларининг зичланиб қолиши; тупроқнинг

радиактив моддалар, оғир металллар, маъданли ўғитлар қолдиқлари ва захарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши киради. Ерга бўлган зарарли таъсирларни тугатиш воситаларига ифлослантирувчи манбааларни тугатиш, ер ва қишлоқ хўжалик экинлари турларини оқилона жойлаштириш, тозалаш иншоотларини қуриш, оғир техникадан, минерал ўғитлардан фойдаланишни, ўсимликларни муҳофаза қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларни чеклаш, экологик ҳавфсиз технологияларни қўллаш киради.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари махсус кўриқланадиган ҳудудларни (қимматбаҳо ерлар, муҳофаза ва санитария муҳофазаси полосалари ва минтақалари, кўриқхоналар, камёб ўсимликлар ўсадиган ва ёввойи ҳайвонлар яшайдиган жойлар, тарихий ва маданий обидалар ерлари) оқилона ва самарали ташкил этишни назарда тутади. Ер – чекланган ресурс, шунинг учун ҳам у муҳофазага муҳтож. Энг аввало, ернинг кенглиги чекланган; ерга бўлган барча талаблар фақат бор ҳудуд ичида қондирилиши мумкин. Маълум фойдаланиш учун мўлжалланган ва берилган (энг аввало корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлари учун) ер участкалари кенглиги бўйича чеклангандир. Бир хўжалик ерларининг кенгайиши бошқа хўжалик ерларининг камайиши ёки умуман тугатилиши ҳисобигагина амалга оширилиши мумкин. Ердан фойдаланишнинг бир тури майдонини кенгайтириш (масалан, ер фондининг қайсидир тоифаси ерларини) учун бошқасини қисқартириш керак.

Ерни муҳофоза қилиш ҳар хил йўллар билан ва ҳар хил босқичларда – лойиҳа олди, лойиҳалаш ва бевосита фойдаланиш жараёнида амалга оширилиши шу билан бир вақтда бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ташкил этиладиган асосдир. Ҳар қандай экологик тадбирлар ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни оқилона, илмий асосланган ташкил этишга асосланади. Шунинг учун хўжаликлараро ер тузиш нафақат ерни, балки бутун атроф муҳитни ҳам муҳофаза қилишнинг биринчи ва

асосий элементи деб ҳисобланиши мумкин. Ерларни муҳофаза қилиш- бу ерларни сақлашга, тиклашга ва ҳолатини яхшилашга; ер ресурсларидан нооқилона, асосланмаган фойдаланиш ва сарфлашларнинг, қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлиги пасайишининг ва майдони камайишининг олдини олишга қаратилган ташкилий- ҳудудий, ташкилий-хўжалик, ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва бошқа тадбирлар тизимидир. Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза этиш тўғридан-тўғри ердан фойдаланишни ташкил этишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ерни муҳофаза этиш бўйича тадбирлар ер тузиш жараёнида ишланиши керак. Ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш режалаш ва лойиҳалаш жараёнида одамнинг нотўғри ҳаракатлари, айниқса, биосферанинг маҳсулдорлиги пасайиши келтириб чиқарадиган, ҳар қандай зарарларга йўл қўймайдиган ва уларни максимал чеклайдиган воситаларни мақсадли топишдан; ердан фойдаланиш жараёнида унинг сифати ёмонлашишига ҳамда атрофдаги ҳудудларга зарарли таъсирига йўл қўймайдиган усуллардан фойдаланишдан иборат бўлади. Якуний мақсад- ердан ва табиий ресурслардан ишлаб чиқиш ва бошқа фаолият жараёнида тўғри фойдаланиш ҳисобланади. Ер эгалиklarини ва ердан фойдаланишларни, уларнинг тизимларини лойиҳалашда кейинчалик ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хўжаликларда ички чегараларни лойиҳалашни таъминловчи тадбирлар белгиланиши ва шароитлар яратилиши керак, шу жумладан:

- ердан тўла ва самарали фойдаланишни таъминловчи ер эгалиklarининг (ердан фойдаланишларининг) оқилона ўлчамлари ва жойлашиши, улардаги ер турларининг нисбати;
- хўжаликлар чегараларини тупроқ эрозиясига ва бошқа салбий таъсирларга қарши кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш;
- ҳудудни хўжаликлараро ташкил этишни экологик асослаш.

- Ҳар бир муҳофаза қилинадиган ҳудуд, минтақа, манбаа бўйича муҳофаза минтақасининг ўрни, эни ва майдони, ҳудуддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тартиби белгиланади. Қишлоқ хўжалик ерлари кам шароитларда муҳофаза қилинадиган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш тартибини белгилаш катта аҳамият касб этади. Ушбу ишларни бажариш натижасида лойиҳа чизмасига муҳофаза қилинадиган ва белгиланган махсус тартиб асосида фойдаланиладиган ерлар чегаралари туширилади. Бу ҳудудлардан фойдаланишни ва муҳофаза қилиш тартибини аниқлайдиган илмий тавсиялар, меъёрлар, қоидалар асосида лойиҳада (чизмада) қуйидаги тадбирлар кўзда тутилади:
- муҳофаза қилинадиган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш бўйича;
- ҳайдалма ерлар, боғлар ва бошқа дарахтзорлардан минерал ўғитлар ва захарли кимёвий моддалардан фойдаланиш чекланган шароитда самарали фойдаланиш бўйича;
- муҳофаза қилинадиган ҳудудлар билан чегарадош ерлардан фойдаланиш йўллари;
- атроф муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича бошқа тадбирлар .

1.3. Массивда экологик ҳолати бузилган ерларни аниқлаш

Экологик ҳолати бузилган ерлар деб, республика ер фондининг ҳамма тоифаларидаги инсон фаолияти натижасида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган ёки тупроқ қатлами таркиби ва ўсимлик дунёси, гидрологик шароити ўзгариши ва рельефи бузилиши натижасида атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи манбага айланган ерларга айтилади. Улар атрофидаги ҳудудларнинг тупроғини, ҳавосини, сувларини ифлослайдиган, аҳолининг турмуш тарзини, гигиена шароитларини ва ландшафтларнинг умумий

кўринишини ёмонлаштирадиган манбаларга айланади. Қазилма бойликларни казиб олиш натижасида ҳосил бўладиган ва тартибсиз жойлашган карьерлар, тупроқ ва тоғ жинслари уюмлари табиий ландшафтларни бузиб, уларга гиёҳ ўсмайдиган чўл манзарасини беради. Автомобиль йўллари ва бошқа шунга ўхшаш иншоотларни қуриш, энг кўп ерларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалигида бузилган ерларни рекультивациялашда аввалом бор массив ҳудудида бузилган ерлари аниқланади, ҳамда нима сабабдан ерларнинг ҳолати бузилганлиги ўрганиб чиқилади.

Массив ҳудудини тўлиқ ўрганиб чиқиш натижасида бузилган ерлар контурларда жойлашган бўлиб, умумий майдони 21.9 га, шу жумладан суғориладиган ерлар 9.9 га ташкил этиши аниқланди. Ернинг бузилишига сабаб массив ҳудудидан ўтган катта коллекторнинг ўз вақтида тозаланмаганлиги ва қамиш босиши натижасида ерларнинг бузилиши ва шўрланиш даражасининг кўтарилишидир.

Ҳолати бузилган ва рекультивация қилишга мўлжалланаётган ерларнинг тавсифи 4- жадвалда келтирилган.

4- жадвал.

Массив ҳудудида ҳолати бузилганлиги сабабли рекультивация қилиш учун мўлжалланаётган ерларнинг тавсифи

Контурлар №	Умумий майдон	Шу жумладан					
		Хайдалма ерлар	бўз ерлар	томорка ерлар	Сув хавзалар	ариклар, каналлар, зовурлар	бошқа ерлар
1	2	3	4	5	6	7	10
157	4,4			4,2		0,2	
158	3,0	2,8					0,1

160	3,6			3,5		0,1	
635	5,1		4,9				0,2
637	0,7				0,3		0,4
844	1,0						1,0
847	2,0			1,9		0,1	
848	4,0	3,3	0,3			0,3	0,1
887	7,0	6,6				0,3	0,1
889	1,4			1,4			
890	1,0						1,0
920	1,0					0,9	
921	5,5		5,5				
Жами	38.0	12,7	10,7	11,0	0,3	1,9	2,9

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб курибдики, рекультивация қилиниши талаб қилинаётган ҳудуднинг умумий майдони 38.0 гектарни ташкил этади. Шундан: хайдалма ер майдони 12.7 га ни ташкил этади.

2-боб. Бузилган ерларни рекультивациялаш самарадорлигини аниқлаш

2.1. Бузилган ерларни техник рекультивациялаш

Бузилган ерларни рекультивациялаш деганда инженерлик, техник, мелиорация, агротехника ва бошқа тадбирлар тизими ёрдамида бузилган ерларнинг биологик унумдорлигини ва халқ хўжалиги учун аҳамиятини тиклашга ҳамда атроф муҳит шароитини яхшилашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади.

Ерларни рекультивациялаш қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- қишлоқ хўжалик ерларининг бузилган участкаларида тупроқларнинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларини тўла ва қисман тиклаш;
- бузилган участкаларнинг технологик хусусиятларини (рельефи, шакли ва бошқ.), уларни хўжаликда фойдаланишга ўз вақтида қўшиш учун, оптималлаш;
- бузилган ерлардан оқилона фойдаланишни ва улар худудини тузишни ташкил этиш.
- Бунда лойиҳаланган тадбирларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорликлари таъминланган бўлиши керак.

Фаолияти ернинг ҳолати бузилишига олиб келадиган объектлар учун ер ажратишда рекультивациялаш ишлари технологик жараённинг ажралмас қисми сифатида лойиҳаланади. Рекультивация ишлари ерлардан ҳар хил тармоқларда ва мақсадларда, асосан қишлоқ хўжалигида, фойдаланиш улар жойлашган табиий ва техник шароитларга, хўжалик ва ижтимоий заруриятларга иқтисодий манфаатдорликка боғлиқ бўлади.

Ерларни рекультивациялашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- унумдор қишлоқ хўжалиги ер турлари учун;
- ўрмон хўжалиги – ҳар хил турдаги ўрмонларни яратиш учун;
- балиқ хўжалиги – балиқчилик ҳавзаларини яратиш учун;
- қурилиш- қурилишлар жойи учун.

Массивда юқорида қўйилган мақсадга эришиш учун ерларнинг ҳолати бузилишига олиб келган хўжалик худудидан ўтган эски зовурни таъмирлаш ва ерларнинг шўрланиш даражасини пасайтиришдир.

Маълумки, рекультивация ишлари икки босқичда олиб борилади.

Биринчи босқичда - **техник рекультивациялаш.**

Иккинчи босқичда - **биологик рекултивациялаш.**

Техник рекультивациялаш - бу ерларнинг устки қисмини белгиланган мақсад йўлида фойдаланиш учун тайёрлашдир, бу жараёнда ерларнинг устки қисми текисланади, унумдор тупроқ қатламлари қирқиб олиниб, рекультивация қилинадиган ерларга ётқизилади, кимёвий мелиорация ишлари ўтказилади, йўллар ва мелиоратив иншоотлар қурилади.

Техник рекультивациялашни бажаришда келажакда қишлоқ хўжалиги учун икки вариант бўлиши мумкин: карьерларни кўмиш учун карьердан чиққан тўқмаларни ишлатиш, яқин майдонлардан келтириладиган тупроқлар билан кўмиш.

Биринчи вариантда қуйидаги асосий ишлар бажарилади:

- Карьердан чиққан тупроқнинг унумдор қатламини қирқиб олиш ва уларни алоҳида буртларга жойлаштириб қўйиш;
- Махсус ажратилган майдончаларда тупроқ тайёрлаш ва ташиб келтириш , ҳамда ишлатилган карьерларни шу тупроқлар билан кўмиш;
- Кўмилган тупроқларни текислаш ва зичлаш, қирқиб олинган унумдор қатламини ташиш ва уни олдинги қўйилган карьер жинслари устидан текислаш.

Иккинчи вариант бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- махсус ажратилган участкада тупроқни тайёрлаш ва уни ишлатилган карьерга ташиб бориш, тўқиш, текислаш ва зичлаш;
- махсус ажратилган майдонлардан унумдор қатламини қирқиб олиш;
- махсус ажратилган участкаларни қайта тиклаш ва уларнинг ҳудудини ташкил қилиш.

Бузилган ерларни техник рекультивациялаш бўйича ишларни амалга ошириш учун қуйидаги материаллар зарур:

- лойиҳа ҳужжатларига лойиҳавий қирқимлар киритилган участка плани;
- бузилган ерларнинг лойиҳавий қирқимлари;

- рекультивация қилинган жойнинг лойиҳаси ва бошқа материаллар.

Массив ҳудудида рекультивация қилинаётган 38.0 га майдонда бажарилиши режалаштирилган ишларнинг таркиби ва ҳажми 5- жадвалда келтирилган.

Бажарилиши режалаштирилаётган ишлар таркиби ва ҳажми.

Т.р.	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Рекультивация қилинаётган участкалар											
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	жами
1.	Рекультивация қилинаётган майдон	га	4,4	3,0	3,6	5,1	1,0	2,0	4,0	7,0	1,4	1,0	5,5	38.0
	Режалаштирилаётган ишлар:													
	Қирқиш ҳажми	м.куб.	26.4	18.0	21.6	30.6	6.0	12.0	24.0	42.0	8.4	6.0	33.0	220.2
	Тўлдириш ҳажми	м. куб.	13.2	7.5	8.64	15.81	3.3	5.2	16.8	26.6	5.04	3.4	19.25	124.74
	1 га ерга солинадиган тупроқ ҳажми	м.куб	1.4	1.62	0.92	7.18	0.18	0.52	4.8	37.99	3.6	3.4	3.5	65.112

Ер тузиш лойиҳаси

2.2. Бузилган ерларни биологик рекультивациялаш тартиби

Рекультивациялаш жараёниниң иккинчи босқичи бу –биологик рекультивациялашдир.

Биологик рекультивациялаш - бу ер унумдорлигини тиклашга қаратилган тадбир бўлиб, у бузилган ерларнинг унумдорлигини тиклаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини янгилашга қаратилган агротехник ва фитомелиоратив тадбирлар тўпламидан иборатдир.

Биологик рекультивациялаш жараёни техник рекультивациялашдан кейин амалга ошириладиган қуйидаги тадбирлардан иборат:

- бузилган ерларнинг ҳолатини яхшилаш.
- тупроқ унумдорлигини тиклаш учун зарур бўлган маъданли ва минерал ўғитларни солиш.

Биологик рекультивациялашнинг энг самарали усулларида бири бу агротехник тадбирлардир. Гўнг солиш ва тупроқ ётқизиш энг яхши тадбирлардан бири ҳисобланади. Бузилган ерларни ўзлаштириш, яъни рекультивация қилишда биологик босқичнинг аҳамияти жуда катта.

Бузилган ерларнинг ҳолатини яхшилаш ва улардан самарали фойдаланиш учун тупроқ сифатини яхшилайдиган экинлар (беда, дуккакли экинлар ва бошқ.) экилади ва улар асосан кўк ҳолида органик ўғит сифатида фойдаланиш учун шудгор қилинади, сўнгра катта миқдорда маъданли ўғит берилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун яроқсиз, унумдорлиги паст ерларда эса дарахтлар экилади.

Бузилган ерларни тиклаш учун сарф бўладиган минерал ва органик ўғитлар миқдори қуйидаги 6- жадвалда келтирилган.

Бузилган ерларни рекултивациялаш учун сарфланадиган
минерал ва органик ўғитлар миқдори

№	Ўғитларнинг таркиби	Меъёр бўйича 1га солинадиган ўғит миқдори кг	Рекултивация қилинадиган ер майдони, га	Жами сарфланган ўғитлар миқдори, кг.
1	Калий	270	38	10260
2	Аммофос	500	38	19000
3	Суперфосфот	2450	38	93100
	Жами			122360

6- жадвалдан кўриниб турибдики, бузилган ерларни тиклаш ва унумдорлигини ошириш учун сарфланадиган маъданли ўғитлар миқдори 122.36 тоннани ташкил қилади.

2.3. Рекултивация килинган ер участкаларидан самарали фойдаланиш йўллари белгилаш

Ҳозирги вақтда ўзини қайта тиклайдиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган антропоген ландшафтларнинг назарий ва услубий асослари яратилмагани учун ер тузиш тадбирларини объектив таъсир этадиган экологик қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда жамиятнинг иқтисодий қонунларига боғлиқ текшириб кўриш керак. Ер тузиш чизмалари ва лойиҳаларини ишлашдаги экологик ёндашув қуйидагиларни талаб қилади:

1. Ҳудудни барча экологик омиллари экиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларининг экологик кўрсаткичлари тўғрисида тўла маълумотларга эга бўлиш;

2. Режалаштирилаётган турлар, навлар ҳамда чорва моллари наслларига ижобий таъсир этадиган биотик омилларни аниқлаш;

3. Режалаштирилаётган тармоқлар ривожланишини чекловчи экологик омилларни аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш йўллари аниқлаш;

4. Режалаштирилаётган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳар бир тури, нави ва дарахтларга нисбатан ҳудуднинг агроэкологик салоҳиятини баҳолаш;

5. Ҳудуднинг агроэкологик салоҳиятидан фойдаланишнинг, антропоген экологик тизимларини турғунлаштириш учун сарфланадиган меҳнат ва моддий ҳаражатларни камайтириш мақсадида, арзон бозор маҳсулоти етиштириш имконини берадиган мос тармоқларни танлаш ва ҳудудни уларга мослаш йўли билан, оптимал вариантларни ишлаб чиқиш;

6. У ёки бу экологик омилнинг бошқа омиллар томонидан қисман қопланиш (асосан антропоген) имкониятларни аниқлаш ва айрим омилларининг ортиқчалигидан келиб чиқадиган салбий таъсирларни тугатиш ёки камайишини қоплашга қаратилган тадбирларни ишлаш;

7. Ер тузиш лойиҳаларининг амалга ошириш натижасида яратиладиган антропоген тизимларни турғунлаштириш учун зарур меҳнат ва моддий ҳаражатларни ҳамда табиий атроф-муҳит ҳолати сифатини ҳисобга олиб маҳсулот чиқаришни солиштириш йўли билан лойиҳа ечимларини (вариантларини) баҳолаш.

Экологик ҳалокатга учраган ҳудудларга ер тузиш чизмалари ва лойиҳаларини ишлашда юқорида санаб ўтилган экологик талаблардан ташқари ҳар хил тармоқларнинг ривожланишини ва кризис ҳолатидан чиқаришни таъминловчи экологик чекловларни ҳисобга олиш керак.

Шундай қилиб, ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил етишга экологик ёндашув, биринчи навбатда, мавжуд табиий экологик тизимлардан

самарали фойдаланиш имкониятини излашни талаб этади, агар бунинг иложи бўлмаса табиий экологик тизимга яқин антропоген тизим яратиш керак.

Қишлоқ хўжалик корхонасида хўжаликда ички ер тузишнинг асосий вазифаларидан бири ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этиш ҳисобланади. Уни ечиш жараёнида қуйидагилар аниқланади:

ҳар бир ер участкасининг хўжаликдаги вазифаси ва фойдаланиш тартиби;

айрим ер турларидан ва ер участкаларидан фойдаланишнинг интенсивлик даражаси;

алмашлаб экишлар тизими, ерларни яхшилаш ва консервациялаш, тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш, ҳудудни мелиоратив ҳолати, табиатни муҳофаза қилиш учун ва эрозияга қарши тузиш;

ер участкаларидан фойдаланиш меъёрлари, тартиби ва шароитлари.

Ер турларини ва алмашлаб экишни ташкил этиш деганда уларнинг асосланган таркибини, нисбатини, ҳудудда хўжалик мақсадига мувофиқ жойлаштирилиши ва табақалаштириб фойдаланилиши тушунилади. Бу бир неча ажралмас боғлиқ масалаларини ечишни талъозо этади.

1. Ер турлари таркибини (тузулишини) ва нисбатини, улардан фойдаланиш тартиби ва шароитларини белгилаш.

2. Ер турларини трансформациялаш, яхшилаш ва жойлаштириш.

3. Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш.

Ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этишнинг асосий мақсади - ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиш асосида ердан фойдаланиш интенсивлигини ошириш ва самарадорлигини ўстириш имкониятларини аниқлаш. Бунда экологик талабларга қаттиқ риоя қилиш керак, сабаби, акс ҳолда тупроқлар унумдорлиги пасаяди, уларда эрозия ва бузилиш жараёнлари ривожланади.

Лойиханинг мазкур таркибий қисмида қуйидаги вазифалар ечилади:

1. Хўжаликнинг барча ерларидан уларнинг табиий хусусиятларига, ер турлари ва экин майдонларининг оптимал таркибини танлаш, ер турларини яхшилаш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаш йўли билан ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий манфаатларига мос тарзда оқилона фойдаланишни ташкил этиш.

2. Ерларни унумсизланиш ва бузилишдан ҳимоя қилиш, тупроқларнинг йўқотилган унумдорлигини тиклаш, ҳудуднинг экологик турғунлигини таъминлаш мақсадида мелиорация, эрозияга қарши ва табиатни муҳофазалаш тадбирлари тизимини таъминлаш.

3. Ер турларининг майда контурлилигини ва парчаланишини тугатиш, тупроқ унумдорлигидаги фарқларни камайтириш, мелиорация ва маданий-техник тадбирларини асосли ўтказиш, ер турларини тўғри трансформациялаш ва алмашлаб экишларни жойлаштириш, ерларни комплекс тарзда маданийлаштириш ҳисобига экологик ва агротехник жиҳатдан бир хил ер массивларини яратиш.

4. Деҳқончиликнинг, хўжалик юритишнинг илғор тизимларини жорий этиш, озуқа базасини ташкил этиш, тупроқлар унумдорлигини ошириш учун қулай ташкилий-ҳудудий шароитлар яратиш.

5. Шароитлар яратиш:

хўжаликни ва унинг ишлаб чиқариш бўлимларини оптимал ихтисослаштириш, меҳнатни самарали ташкил этиш, қишлоқ хўжалик техникалари унумдорлигини ошириш учун;

ер турларини трансформациялаш, яхшилаш ва жойлаштириш билан боғлиқ капитал харажатлар самарадорлигини ошириш учун;

ишлаб чиқаришнинг транспорт ва бошқа харажатларини максимал қисқартириш учун.

Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш. Амалиёт кўрсатадики, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ва ҳудудни илмий асосланган деҳқончилик

тизимлари асосида ташкил этишни алмашлаб экишларни жорий этиш ва ўзлаштиришдан, хўжаликнинг аниқ табиий ва иқтисодий шароитларига, ҳайдалма ерларнинг ҳар бир участкаси хусусиятларига мос келадиган экинлар алмашилишининг қаттиқ тартибини белгилашдан бошлаш керак. Тўғри алмашлаб экишлар - оқилона деҳқончилик асосидир. Улар ердан, қишлоқ хўжалик техникасидан, меҳнат ва пул-моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдамлашади.

Алмашлаб экишларни жорий этишни бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишдан ва хўжаликнинг аниқ хусусиятларидан ажратиб амалга ошириш мумкин эмас, шунинг учун ҳудудни ташкил этишнинг бу элементлари фақат ривожланаётган ишлаб чиқаришнинг, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг хусусиятлари билан боғлиқлигини таъминловчи ер тузиш лойиҳаларида кўрилиши керак.

Қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудуди табиий хусусиятлари (унумдорлиги, шакли, хўжалик марказларидан узоқлиги) бўйича бир хил эмас. Шу билан бирга ҳайдалма ерларда аҳамияти бўйича ҳар хил экинлар экилади, уларнинг ўсиш шароитига, тупроқларнинг сув ва озуқа режимига талаблари, экинларни етиштириш технологиялари, меҳнат сиғими ва юк сиғими ҳар хил. Бу ҳар бир хўжаликда экинларнинг ҳар хил таркиби ва алмашилиши билан индивидуал алмашлаб экишларни жорий этиш заруратини келтириб чиқаради.

Алмашлаб экишлар тизими деб хўжаликдаги уларнинг типлари, турлари, сони, майдони ва жойлашилишининг йиғиндисидан иборат алмашлаб экишлар тўпламига айтилади. Бунда алмашлаб экишлар хўжаликдаги вазифалари, экинларни етиштириш технологиялари ва уларни ўстириш шароитларига қўйиладиган талаблар бўйича бир-бирларидан фарқ қилади.

Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш уларнинг типлари ва турларини белгилашни; сони ва майдонларини аниқлашни; жойлаштиришни ўз ичига

олади. Бу масалалар ўзаро боғлиқ, шунинг учун уларни лойиҳалашда уларга лойиҳавий масалалар мажмуи сифатида қаралади.

Қатор хўжаликларда ишлаб чиқариш зарурати туфайли алмашлаб экишдан ташқари участкалар ҳам ташкил этилади, улар алмашлаб экишларга кирмайди. Алмашлаб экишдан ташқари участкаларни ташкил этиш лойиҳанинг мазкур қисмида алмашлаб экишларни ташкил этиш билан бир вақтда кўриб чиқилади.

Алмашлаб экишлар - деҳқончилик ва хўжалик тизимларининг бош бўғинидир. Алмашлаб экишлар асосида далаларни ўғитлаш, ўсимликларни химоя қилиш, уруғчилик, тупроқларга ишлов бериш дастурлари белгиланади, зарур машиналар мажмуи, пул-моддий воситалари ва меҳнат харажатлари аниқланади. Алмашлаб экишлар билан ихота ўрмон полосалари, эрозияга қарши тадбирлар, йўллар, суғориш ва зах қочириш тизимлари боғланади. Уларни ташкил этиш озуқа ишлаб чиқариш билан боғланади.

Алмашлаб экишларни лойиҳалашда қуйидаги талабларни бажариш керак:

хўжаликдаги алмашлаб экишлар асосида экинлар майдонларининг илмий асосланган, табиий ва иқтисодий шароитларни, худуднинг агроэкологик ва кенглик хусусиятларини ҳисобга оладиган, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, экинларни энг яхши олдинги экинлар билан таъминлаш, молларнинг озуқага, ўсимликчиликнинг уруғликка бўлган талабини қондириш имконини берадиган таркиби ётиши керак;

Алмашлаб экишлар майдони ва сони бўйича хўжаликдаги ички ишлаб чиқариш бўлимлари ва хўжалик марказлари ўлчамлари, жойлашиши билан боғланиши керак, бу ердан фойдаланишдаги ортиқчаликни тугатиш ва жамоаларнинг ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини кўтариш имконини беради;

Алмашлаб экишлар ва далалар ўлчамлари ва шакллари бўйича ўзларида имкони борича техникадан юқори унумли фойдаланишни, деҳқончиликдаги

ишчи жараёнларни оқилона ташкил этишни, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг прогрессив технологияларини қўллашни таъминлаши керак;

Худудида экинларнинг таркиби, алмашилиши ва жойлашилиши бўйича алмашлаб экишлар тупроқлар унумдорлигини тўхтовсиз оширишга, эрозия жараёнларининг тугашига ёки олди олинишига, ҳосилдорлик ўсишига замин яратиши керак;

Қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини оптимал жойлаштириш, юкларни, одамларни иш жойларига ва орқага ташиш, қишлоқ хўжалик техникасининг бефойда юришлари, айланишлари ва кириб чиқишлари харажатларини камайтириш учун шароитлар яратилиши керак.

Алмашлаб экишларни лойиҳалаш тартиби қуйидагидек:

молларни озиклантиришнинг қабул қилинган рационлари, молларнинг лойиқавий бош сони, турлари ва озиклантириш типлари асосида эҳтиёт (суғурта) фондини ташкил этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, айрим чорвачилик фермалари, бўлимлар ҳамда бутун хўжалик бўйича озуқага бўлган талабни ҳисоблаш ўтказилади;

яшил озуқага бўлган талаб ва уларнинг яйловлардаги даврлар бўйича ҳосилдорлиги асосида, режалаштирилаётган ҳайдалма ерларда озуқа етиштиришни ташкил этишни, қабул қилинган пичанзор ва яйлов алмашишларни ҳисобга олиб, яшил конвейерни ҳисоблаш ўтказилади;

режалаштирилаётган ҳосилдорлик ва ҳар хил турдаги озуқаларга бўлган талаб асосида, ҳайдалма ерларда жойлаштириладиган озуқа экинлари майдонлари аниқланади;

мўлжалланаётган экин майдонлари таркиби, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли яшаш жойларини, ишлаб чиқариш бўлимларини ва марказларини жойлаштириш, ер эгаликлари хусусиятларини (ерлар сифати, шакли, майдонлари), мўлжалланаётган ерларни трансформациялашни ва бошқа

шароитларни ҳисобга олиб алмашлаб экишлар типлари, турлари, сони, майдонлари ва жойлашиши белгиланади.

Алмашлаб экишлар типларини ва турларини белгилаш. Маълумки, алмашлаб экиш - бу қишлоқ хўжалик экинлари ва бўш шудгорнинг (пар) вақт ва ҳудуд ёки фақат вақт бўйича, ўғитлаш ва тупроқларга ишлов бериш тизими, ўсимликларни парваришлаш ва бошқ. билан боғлиқ илмий асосланган ўрин алмашишидир.

Алмашлаб экишлар уч типга бўлинади: дала, ем-хашак ва махсус.

Дала алмашлаб экиши деб улар майдонларининг ярмидан кўпини техника, дон ва бошқа озик-овқат экинлари эгаллаган алмашлаб экишларга айтилади.

Ем-хашак алмашлаб экишларида улар майдонларининг ярмидан кўпини ем-хашак экинлари эгаллайди.

Махсус алмашлаб экишлар махсус агротехника ва шароитлар талаб қиладиган экинларни етиштириш учун мўлжалланади. Бу экинлар тупроқларнинг унумдорлигига, сув ва озуқа режимларига, жойларнинг рельефига юқори талаблар қўяди.

Замонавий деҳқончилик бир вақтнинг ўзида ҳам интенсив, ҳам тупроқни муҳофаза қилувчи бўлиши керак. Шу сабабли, эрозия ривожланган минтақаларда алмашлаб экишлар тупроқларни ҳимоялавчи бўлиши керак.

Дала алмашлаб экишлари ҳар хиллиги билан ажралиб туради. Биологияси, агротехникаси, технологияси, алмашилиши, олдин экилган экинларга муносабати ва тупроқлар унумдорлигини тиклаш усуллари бўйича ҳар хил экинлар нисбатига боғлиқ ҳолда дала алмашлаб экишлари қуйидаги турларга бўлинади: дон-бўш шудгорли (пар), пахта-беда-дон, пахта - маккажўхори, дон-бўш шудгор-чопиқ қилинадиган экинлар, дон-ўт, ўт далали, дон-ўт-чопиқ қилинадиган экинлар (ҳосил алмашилиши), сидерал, чопиқ қилинадиган, дон - чопиқ қилинадиган.

Ем-хашак алмашлаб экишлари жойлашган ўрнига ва экинлари таркибига боғлиқ ҳолда икки типга бўлинади: ферма ёнидаги ва пичанзор-яйловли. Уларнинг биринчилари, асосан, чорвачилик мажмуалари ва фермалари ёнида жойлаштирилади, уларда чопиқ қилинадиган алмашлаб экишлар (илдиз ва резавор мевали, силос учун маккажўхори ва бошқ.) катта улушга эга. Иккинчилари ёзги лагерлар ёнида, узоқдаги ерларда жойлаштирилади. Бундай алмашлаб экишлар таркибида асосан ўтлар кўп бўлади.

Алмашлаб экишларни бир-бирларидан ажратиб турувчи энг асосий кўрсаткичлардан бири улардаги алмашлаб экишнинг ишлаб чиқариш йўналишини ёки ихтисослашишини: дон, картошка, лавлаги, каноп, пахта ва бошқа тавсивловчи товар экинлари ёки улар гуруҳларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Алмашлаб экишлар типлари ва турларини танлашга қуйидаги шароитлар таъсир кўрсатади:

хўжаликнинг ва унинг ишлаб чиқариш бўлимларининг ихтисосликлари, экин майдонлари таркиби;

Қишлоқ хўжалик корхонаси ер эгалигининг (ердан фойдаланишнинг) хусусиятлари (тупроқларнинг типлари ва механик таркиблари, эрозияга учраш даражаси, намланиши, суғориладиган ва қуритиладиган ерларнинг мавжудлиги, кенглик шароитлари: шакли, узунлиги, ҳайдалма массивларнинг узоқлиги);

асосий, қўшимча ҳамда мавсумий фодаланиладиган ишлаб чиқариш марказларини (чорвачилик фермалари, ёзги лагерлар, боқиш майдончалари) жойлаштириш, чорва моллари бош сонининг жамланиши (концентрацияланиш) даражаси;

умумий ер майдонидаги ем-хашак олинадиган ер турлари улуши, молларни сақлаш ва озиклантириш типи;

аҳоли тизими хусусиятлари.

Хўжаликнинг ва унинг ишлаб чиқариш бўлимларининг ихтисосликлари, экин майдонлари таркиби қишлоқ хўжалик экинлари таркибини белгилайди. Улар орасида етакчи товар экинлари (пахта, қанд лавлагиси, картошка, сабзавотлар, каноп, эфир ёғли экинлар ва бошқ.) бўлиши мумкин. Алмашлаб экишларга бу экинлар билан бирга энг яхши алмаштириб экиладиган экинлар киритилади, улар унумдорлиги юқорироқ ерларда жойлаштирилади.

3-БОБ. Лойихани экологик ва иқтисодий асослаш

3.1. Лойихани экологик асослаш

Ер тузиш лойихаларни тузишда, ер тузиш самарадорлиги уч соҳада намоён бўлади: экологик, иқтисодий ва ижтимоий.

Массивда ер тузишнинг **экологик самарадорлиги** табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш заруратидан келиб чиқади ва энг аввало, ер тузиш тадбирларининг ва ишлаб чиқаришнинг атроф-мухитга таъсирида, ерлар ҳолатини яхшилаш, уларни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш, бузилган ерларни рекультивациялаш, табиатни муҳофаза қилиш чораларини амалга ошириш орқали намоён бўлади.

Ер тузишнинг **ижтимоий самарадорлиги** натижаси ер муносабатларини мустаҳкамлаш ва ердан фойдаланишларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш орқали ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ерга ижтимоий-иқтисодий алоқалар объекти сифатида қаралади. Массивда ички ер тузишнинг ижтимоий самарадорлиги ишлаб чиқариш шароитларини ривожлантириш ва яхшилашга қаратилган бўлиб, у аҳолининг ҳаёт, меҳнат, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш шароитларининг яхшиланишига олиб келади.

Лойиханинг **экологик самарадорлиги** асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва унга бўлган талаб лойиханинг ҳар бир таркибий қисмига қўйиладиган экологик, табиатни муҳофазалаш меъёрларини бажариш заруриятида намоён бўлади. Массивда ер тузиш лойихасини ҳеч бир ечимини агар бу меъёрларга мос келмаса кўриб чиқиш мумкин эмас.

Массивда ер тузиш лойихаси экологик самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари жумласига қуйидагилар киради:

- ҳар бир участкаси сифатига ер тузишнинг таъсирини комплекс баҳолаш маълумотлари (гумус баланси, макро ва микро элементлар, оғир

металлар, қолдиқ пестицидларнинг ҳаракатчан шаклларининг миқдори, ерларнинг қишлоқ хўжалиги учун яроқлилиги бўйича тоифалари, синфлари, маҳсулдорлиги бўйича баҳолаш бали, кислоталашиши, намланиш режими, сизот сувлари сатхи, сув сиғими, маҳсулдор сув захираси, тупроқлари, рельефи ва бошқа шароитлари бўйича бир хиллиги);

- тупроқларнинг сув эрозияси ва дефляция жараёнларининг пасайиши тўғрисида маълумотлар (тупроқларнинг ювилиши, жарликларнинг пасайиши, эрозияга учраган ерларни ўтлоқлаштириш ва ўрмонлаштириш, экинларнинг эрозия коэффицентлари ва хавфи бор даврларда тупроқларнинг ўсимликлар билан лойиҳавий қопланиши, тартибга солинган сув оқими ҳажми, микроклим шароитларини ўрганиш);

- ерларнинг табиатни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши тўғрисидаги маълумотлар (сув-ҳимоя минтақалари қирғоқ бўйи полосаларининг, санитария ҳимоя минтақалари бўйича ҳимояланадиган ландшафтларнинг мавжудлиги);

- бузилган ерларни рекультивациялаш тўғрисида маълумотлари (бузилган ерларнинг майдонлари, уларга таъсир қилувчи омиллар, биологик босқичлар-ерларни экишга тайёрлаш, уларни маданли ва органик ўғитларга бойитиш, техник босқичлар бузилган ерлар ҳажмини ҳисоблаш ва текислаш).

3.2. Бузилган ерларни рекультивациялаш билан боғлиқ ҳаражатларини аниқлаш

Кейинги йилларда суғорилиб деҳқончилик қиладиган минтақаларда канал ва зовурларнинг ўз вақтида тозаланмаслиги оқибатида ишдан чиқиши натижасида тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экин турларининг ҳосилдорлиги пасайиб кетиши кузатилмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг ҳосилдорлиги пасайиб кетиши кутилмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг

олдини олиш мақсадида рекультивация ишларида турли миқдордаги харажатлар сарфланади.

Диссертациянинг ушбу бўлимида массив ҳудудида бузилган ерларни рекультивациялаш ишларининг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланади. Рекультивация қилинаётган ер участкасида бажарилиши режалаштирилаётган ишлар турлари ва ҳажми, уларга сарфланадиган харажатлар миқдори 7- жадвалда келтирилган.

7-жадвал.

Бузилган ерларни рекультивациялаш жараёнида сарфланиши мўлжалланаётган капитал харажатларни аниқлаш.

Т.р.	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Майдони, га	Ўлчов бирлигига сарфланадиган харажат, минг сўм	Жами капитал харажатлар миқдори, млн. сўм
1.	Рекультивация қилинадиган ер майдонини текислаш	га	38.0	800	30400
2.	Қиркиш ҳажми	м.куб	427,2	250	106,800
3.	Тўлдириш ҳажми	м.куб	204,43	310	63373,3
4.	Янги йўллар қуриш	км	2,0	5000	10000
5.	Янги ариқларни қуриш	км	1,5	1500	2250
6	Қўшимча харажатлар	Суммадан 20%			21205.0
	Жами				127228.3

7- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, капитал харажатлар миқдори минг сўмни ташкил этади.

Рекультивация қилиш натижасида, бузилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун, худудни тўғри ташкил этиш ва 3 йил давомида тупроқ унумдорлигини ошириш учун ер қатламларига тўғри ишлов бериш лозим, ундан ташқари шу 3 йил ичида экин тури ҳисобланган бир йиллик ўтларни экиб, худуднинг ўзида ўриб ташлаш лозим.

8-жадвал.

Экилган экинларга ишлов бериш миқдори

№	Кўрсаткичлар	Майдони. га	1га ерга ишлов бериш қиймати, сўм	Жами қиймати, минг сўм
1.	Бир йил давомида ўт қатламига ишлов бериш	38.0	600	22800
	Иккинчи йилда ўт қатламига ишлов бериш	38.0	500	19000
	Учинчи йилда ўт қатламига ишлов бериш	38.0	400	15200
	Жами			57000

Экилган экинларга ишлов бериш учун сарфланадиган харажатлар миқдори уч йил давомида 57000 минг сўмни ташкил этади.

3.3. Лойиҳани иқтисодий асослаш.

Массивда алмашлаб экишларни лойиҳалашда ечиладиган масалалар, бир томондан, экинлар таркиби ва уларнинг худуд бўйлаб ва хўжалик марказларига нисбатан жойлашишига, иккинчи томондан алмашлаб экишлар, улардаги далалар сонига ва майдонларига, деҳқончиликда меҳнатни ва худудни ташкил этишга таъсир этади. Хўжалик иқтисодиёти нуқтаи

назаридан ҳудуднинг ҳар хил ташкил этилиши, ҳам деҳқончиликнинг ялпи маҳсулотлари ҳажмига, ҳам жорий харажатларига таъсир этади. Шунинг учун хўжаликда энг яхши алмашлаб экишлар тизимини танлашда мезон сифатида лойиҳанинг ҳар хил ечимлари бўйича олинадиган соф даромаднинг максимал умумий ўсишидан СД фойдаланиш тавсия этилади:

$$CD \rightarrow \max$$

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил ресурслар: ер, қишлоқ хўжалик техникаси, меҳнат ресурслари ва бошқ. қатнашади. Ер тузишнинг асосий вазифаси бу ресурслардан фойдаланиш учун энг яхши шароитлар яратишдан иборат, шунинг учун, алмашлаб экишларни лойиҳалашда ердан, қишлоқ хўжалик техникаси ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларнинг деҳқончилик маҳсулотлари қиймати шаклланишидаги ролини белгилаш зурур.

Ернинг ишлаб чиқариш ва ҳудудий хусусиятлари ва уларни ҳисобга олиш. Хўжаликларнинг табиий ва иқтисодий шароитларидаги фарқ қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларида ва натижаларида ўз аксини топади. Бунда аҳамиятли ўринни ернинг ишлаб чиқариш ва ҳудудий хусусиятлари (унумдорлиги, эрозияга учраш даражаси, қишлоқ хўжалик марказларидан узоқлиги, контурлилиги, ер турларининг шакли ва ш.ў.) эгаллайди. Бу хусусиятлар унумдорлик, жойлашган ўрни бўйича дифференциал ер рентасини яратишда қатнашади ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаш жараёнига қўшимча сарфланган пул-моддий воситалар ва меҳнат самарадорлигига сезиларли таъсир этади, шу сабабли, уларни алмашлаб экишларни лойиҳалашда тўғри ҳисобга олиш, ер тузиш лойиҳаларининг асосланганлигини оширишга ёрдам қилади.

Аввало, алмашлаб экишларни лойиҳалашда тупроқлар унумдорлигини ошириш учун энг яхши шароитларни яратиш керак. Бу деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг доимий ўсишини ва тупроқ унумдорлигининг ошириб қайта тикланишини таъминлайди. Хўжаликларда алмашлаб экишларни ташкил этишни иқтисодий асослашда ерларнинг ишлаб чиқариш хусусиятларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун гумус балансини ва тупроқлар унумдорлигини тиклаш учун харажатларни; хўжалик ерлари сифатини, алмашлаб экишлар ва қишлоқ хўжалик экинларини ҳар хил унумдорликка эга участкаларда жойлаштиришни ҳисобга олиб деҳқончиликнинг ялпи маҳсулоти қийматини ҳисоблаш зарур.

Ерларнинг худудий хусусиятлари (хўжалик марказларидан узоқлиги, ҳайдалма ер контурларининг майдонлари ва шакллари) биринчи навбатда экинларни етиштириш харажатларига таъсир этади, шунинг учун хўжаликда алмашлаб экишларни ташкил этишни иқтисодий асослашда бу кўрсаткични ҳисоблаш керак.

Ер тузишда қўлланиладиган тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш ва худудни ўзаро биргаликда ташкил этиш, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик корхонасидаги моддий ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этадиган хўжалик юритиш шароитларини яхшилаш тадбирларидан келиб чиқади.

Республика бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатаётган бир даврда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг натижаси фойда кўрсаткичи билан ўлчанади. Бузилган ерларни рекультивациялашнинг нафақат иқтисодий самарадорлиги балки, экологик, ижтимоий ва қолаверса юридик томонлари ҳам баҳоланмоғи керак. Чунки бузилган ерларни рекультивациялаш орқали жойнинг экологик ҳолати яхшиланади ва ерлардан унумли фойдаланиш учун шароит яратиб берилади.

9- жадвалда бузилган ерларни рекультивация қилишда сарфланган маданли ва органик ўғитларнинг сотиш нархлари бўйича қиймати келтирилган.

9-жадвал

Сарфланиши режалаштирилган ўғитларнинг сотиш нархлари бўйича умумий қиймати

Т.р.	Ўғитларнинг тури	Ўғитлар миқдори, т	Бир т ўғит. қиймати, минг сўм	Жами сарфланган ўғит миқдори, минг сўм
1.	Аммофос	10,26	500	5130
2.	Калий	19,00	600	11400
3.	Суперфосфат	93,10	500	46550
	Жами	122,36		63080

Жадвалдан кўришиб турибдики, сарфланадиган ўғитлар миқдорининг сотиш нархлари қиймати 63080 минг сўмни ташкил этади.

Энди бузилган ерларни ҳолатини рекультивация қилиш учун сарфланадиган капитал харажатлар миқдорини аниқлаймиз. Уни аниқлаш бўйича бажарилган ҳисоб-китоблар 10- жадвалда келтирилган.

10- жадвал

Сарф килинган капитал харажатлар миқдори

№	Кўрсаткичлар	Миқдори, минг сўм
1.	Техник рекультивациялаш учун кетган харажатлар	50 050

2.	Биологик рекультивация учун кетган харажатлар	15 015
	Жами	65 065

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бузилган ерларни рекультивация қилиш учун сарфланадиган капитал харажатлар миқдори 65 065 минг сўмни ташкил этади.

Бузилган ерларни рекультивация қилиш учун капитал харажатлар ва йиллик харажатлардан (эксплуатация харажатлари ва амортизация ажратмалари) ташкил топади.

Проф. С.Н. Волков ва С.А. Аvezбаевлар тавсиясига кўра йиллик харажатларни ташкил этувчи эксплуатация харажатлари ва амортизация ажратмалари қуйидагича ифодалар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқ

$$\mathcal{E}_x = \frac{K_x \times 5\%}{100};$$

$$\mathcal{E}_x = \frac{127228.3 \times 5}{100} \equiv 6361 \text{ минг - сум}$$

3.4. Хаёт фаолият хавфсизлиги масалалари

Ишлаб чиқаришда техник хавфсизликни асослари

Хозирги даврда ишлаб чиқарилаётган ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фаолият кўрсатаётган трактор агрегатларининг характерли афзалликларидан бири уларнинг юқори унум билан ишлашидир. Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик машиналари конструкциясининг мураккаблиги ва юқори режимларда ишлаши уларга нисбатан хавфсизлик талабларини юқорига кўтаришга олиб келади. **Хавфсизлик техникаси** деганда биз шундай меҳнат хавфсизликни таъминловчи техник тадбирлар ва иш усуллари системаси тушунилади. Хар қандай техникада ёки механизмда хавфли зоналар бўлади. Хавфли жойи деганда машинанинг ташқарисида ва ичидаги шундай бўшлиқ тушуниладики бунда шу жойда хизмат қилаётган киши учун доимий ва даврий равишда хавф туғилиб туради.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган инженер техник ходимлар олдида қўйилган муҳим масалалардан бири инсон учун техника хавфсизлигини таъминлашдир. Бундай техникани бошқарганда ишга хар қандай жароҳатланишдан хавфсизланади ва соғлиғи учун ижобий бўлмаган омиллар бартараф қилинади. Машина ва механизмларнинг хавфли жойларига қўйидагилар киради: айланувчи валлар, чархловчи станоклар, диски пичоқ занжирли тишли узайтмалар, лентали транспортер юк кўтариш механизмлари, кесувчи механизмлар ва хоказолар. Ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлигини қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун омборларини яхши тутиш, дон сақлагичларни, дон тозалаш ва қуритиш комплексларини , элеваторлар ва чорвачилик каналларини қуриш;

- Ўтлоқлар, хайвонлар турадиган жойлар, далалар, асалари сақланадиган хоналарни сифатли сақлаш;
- Озуқа тайёрлашнинг, уни сақлашнинг, ташишнинг рационал усуллари танлаш, дори ва ўғитларни рационал қўллаш;
- Фермаларда складларда элеваторларда далада тенлинияларда ва жойларнинг рационал ташкил қилиш;
- Ишлаб чиқариш ускуналари ва асбобларини рационал жойлаштириш;
- Далада ишловчиларни касбий танлаш ва ўқитиш, уларга химоя воситаларини қўллаш;
- Хавфсизлик талабларини технологик хужжатларга киритиш ва хавфсизлик талабларини назорат қилиш.

Мехнат муҳофазасини бошқариш тизими

Мехнат муҳофазасини бошқариш корxonани бошқариш тизимининг бир қисми бўлиб корxона бошлиғи ва бўлим бошлиқлари томонидан олиб борилади. **Мехнат муҳофазасини бошқариш** –бу мехнат жараёни вақтида ишловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш , иш қобилиятини ва соғлиғини сақлаш бўйича ташкилий, техник, санитар-гигиеник, даволаш, олдини олиш ва бошқа чора-тадбирларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишдир. Мехнат муҳофазасини бошқариш тизимининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Ишловчиларни мехнат хавфсизлигига ўқитиш ва мехнат муҳофазаси масалаларини ташвиқот қилиш;
2. Бино ва иншоот, ишлаб чиқариш жараёнлари ва асбоб ускуналарнинг хавфсизлигини таъминлаш;
3. Мехнат шароитининг санитар-гигиеник ҳолатини меъёрлаштириш;
4. Ишловчиларни шахсий химоя воситалари билан таъминлаш;
5. Ишловчилар учун мақбул иш ва мехнат шартини яратиш;

6. Ишловчилар учун даволаш –олдини олиш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш;
7. Алохида мутахассисликлар бўйича касбий танлов ўтказиш;
8. Ишловчиларга санитар-маиший хизмат кўрсатиш ва хоказолар.

Қишлоқ хўжалик корхоналари мансабдор шахсларининг меҳнат муҳофазаси бўйича асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Меҳнат муҳофазаси ҳолатини доимий назорат қилиш;
- Ҳамма ишловчилар томонидан меъёр ва қоидалар, йўриқномаларга амал қилинишини талаб қилиш;
- Механизациялаштирилган, автомотлаштирилган илғор технологик жараёнларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тадбиқ қилиш.

Хавфсизликни таъминлаш принциплари

Хавфсизликни таъминлаш ўз ичига мураккаб жараённи олади ва уни элементар ташкил этувчиларга дастлабки ҳолатлар, ғоялар, принциплар деб аталади. Принцип сўзи латинча “principium” сўзидан олинган бўлиб, бошланиш, ғоя асос демакдир. Ишлаб чиқаришнинг тури, технологик жараёнларнинг афзалликлари, қўлланиладиган жихозларнинг ҳар хиллиги хавфсизликни таъминлаш принципларининг кўп хиллигига шартлашади. Принциплар муҳим услубий аҳамиятга эгадир. Хавфсизликни таъминлаш бўйича тўлақонли, профилактик иш, илмий -текшириш, тажриба-кострукторлик ишларида, ишлаб чиқариш объектларини қайта қуриш ва фойдаланиш босқичида фақат онгли равишда хавфсизлик принципларини ҳисобга олиш билан мумкин.

Принципларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар бизни ўраб олган дунёдаги хавфлар бўйича билим даражамизни аниқлайди ва ўз навбатида химоя тадбирларига ва уларни ҳисоблаш усулларига талаблар белгилайди. Принципларнинг аҳамияти амалий жихатдан ҳам муҳимдир: улар рақобатлашаётган вариантларни таққослаб таҳлил қилиш асосида

хавфлардан химояланишнинг оптимал ечимларини топишга имкон беради. Принципларнинг эвристик қиймати шундан иборатки улар меҳнат хавфсизлигини бошқаришни ташкил қилишда хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Хавфсизликни таъминлаш принципларини бир- бирини тўлдирувчи элемент сифатида ўзаро боғланишда қараш муҳимдир. Конкрет шароитларга боғлиқ ҳолда принциплар ҳар хил амалга оширилади. Хавфсизликни таъминлаш принциплари уларни амалга ошириш белгиларига қараб шартли равишда 4 та синфга бўлинади: тахминий, техникавий, ташкилий ва бошқарув принциплар.

Хавфсизликни таъминлаш принциплари ва усулларини гавдалантиришда ҳар хил химоя воситалари қўлланилади. Химоя воситаларининг қўлланилиши характери бўйича коллектив химоя воситалари ва шахсий химоя воситаларига бўлинади. Ҳар бири вазифасига кўра синфларга бўлинади. Зарарли ва хавфли омилларга боғлиқ ҳолда : шовқиндан, титрашдан, электростатик зарядлардан химоялаш воситаларига синфланади. Асосан химояланадиган инсон аъзоси ёки аъзолар гуруҳига қараб: нафас аъзоларини, кўл, бош, бет кўзни ва эшитиш аъзоларини химоя қилиш воситаларига бўлинади. Техник тайёрланишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: тўсиқлар, блокировкалар, тормозлар, сақлагувчи мосламалар, ёруғлик ва овоз сигналлари, хавфсизлик асбоблари, сигнал ранглари, хавфсизлик белгилари, автоматик назорат қурилмалари, масофадан бошқариш воситалари, электр жихозларини ерга улаш ва ноллаш қурилмалари, шамоллатиш ёритиш, иситиш, совутиш изоляциялаш, гермитизациялаш воситалари киради. Шахсий химоя воситаларига: гидроизоляция костюмлари, скафандрлар, противогозлар, респираторлар, превмошлемлар, пневмомаскалар, ҳар хил турдаги махсус кийим ва пойафзаллар, тутгичлар, кўлқоплар, каскалар, шлемлар, шапкалар, шляпалар, шовкинга қарши шлемлар, кулоққа кийгичлар, химоя

кўзойнаклари, сақлагувчи белбоғлар, химояловчи воситалар ва бошқалар киради.

Дехқончиликда ва чорвачиликдаги жароҳатланишлар таҳлили

Қишлоқ хўжаликда юз бераётган жароҳатланишлар бўйича маълумотлар қуйидагича: дехқончиликда - 24%; чорвачиликда - 21%; қурилиш ва иншоотлар ремонтга - 16%; қишлоқ хўжалик машина ва механизмларини таъмирлашга - 14% ва транспортга - 11% тўғри келади.

Дехқончиликдаги жароҳатланишни ўрганиш жараёнида эса қуйидагича ҳолат аниқланган: тупроққа ишлов беришда - 27%; экишда -18%; дон маҳсулотларини ўриш, йиғиштириш ва комбайнларга техник хизмат кўрсатишда - 12%; донга бирламчи ишлов беришда - 24%; ғилдиракли тракторлардан транспорт воситаси сифатида фойдаланишда - 9,4%; тракторларга техник хизмат кўрсатишда - 50,4% жароҳатланишлар юз берган.

Пахта экиш, етиштириш ва йиғиб -териб олиш жараёнининг таҳлили энг хавфли жараён дала шароитида пахта қолдиқларини тозалаш эканлигини кўрсатди. Бу жараёнда пахта етиштиришдаги умумий жароҳатланишларнинг 33% юз берган. Кўрак териш жараёнига 22%; машинада пахта теришга эса 11% тўғри келган. Шунини таъкидлаш лозимки, пахта қолдиқларини тозалашда юз берган жароҳатланишлар фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки оғирлик жиҳати бўйича ҳам бошқа жароҳатланишларга нисбатан олдинда туради. Ўлим билан тугаган жароҳатланишларнинг—1,5%; оғир жароҳатланишларнинг эса 8% шунга тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида тракторлар, машина ва механизмлар билан ишлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларини таҳлил қилганда жароҳатланишлар тақсимланиши қуйидагича: Асбобларни нотўғри танланиши натижасида ва бошқа ҳолатларда юзага келадиган зарбага -19%; машина ва тракторларнинг

турли жойларидан йиқилиб тушишга – 28%; Двигателга техник хизмат кўрсатишда қуйишга -8%; Кўрсатиш асбобларини нотўғри ишлатишда -7%; шатакка олишда -5,5%; ағдарилишларда -4,8%; асбобларнинг отилиб кетишида-7,0%.

Қишлоқ хўжалигида жароҳатланишларни таҳлил қилишда, унинг асосий сабаблари қуйидагилар эканлиги аниқланади:

- Машина ва механизмларнинг техник хизмат кўрсатиш жойларининг эргономик талабларга мос келмаслиги;
- Хавфсизликни таъминлашнинг техник воситаларининг йўқлиги ёки номуналмаслиги;
- Хўжалик ички йўлларининг ёмонлиги;
- Ишлаб чиқарилаётган техниканинг техника хавфсизлиги талабларига мос келмаслиги;
- Технологик жараёнларнинг техника хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги;
- Хизмат кўрсатувчиларнинг техника ва технологик жараёнларни мукамал билмаслиги;
- Хизмат кўрсатувчи ходимларни ўқитишда ва малакасини оширишда йўл қўйилган камчиликлар;
- Хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан меҳнат ва технологик хавфсизлик талабларининг қўпол равишда бузилиши;
- Шахсий химоя воситаларини қўлламаслик ёки уларнинг йўқлиги ва х.к.

Хавфсизликни таъминлаш воситалари

Ишловчиларга зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки олдини олиш учун химоя воситалари қўлланилади. Ишловчиларнинг химоя воситалари инсон организмига энг маъқул шароитларни ҳосил қилиши ва қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- Иш зонасидан хавфли ва зарарли нарсалар, ҳамда материалларни узоқлаштириш ёки хайдаш ;
- Зарарли омиллар миқдорини белгиланган даражадаги санитар нормагача камайтириш;
- Ишловчиларни қабул қилинган технологиялар ва иш шароитларида хамроҳ бўлган зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларидан химоя қилиш;
- Технологик жараён бузилганда пайдо бўладиган салбий омиллардан химоя қилиши лозим

Химоя воситаларини танлаш ҳар бир алоҳида ҳолатларда меҳнат хавфсизлиги талабларига асосан амалга оширилади.

3.5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг қишлоқ хўжалигига таъсири ва уни бартараф этиш йўллари

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунини жихатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жихат-миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жихатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришини кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жихати-жаҳоннинг бир мамлакатада руй бераётган

ижтимоий-иқтисодий лаҳзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарларида дунёнинг hozirги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Яъни, **«Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофатлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмокда».**

Президент ўз асарида молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини давом эттириб, навбатдаги хулосани таъкидлаб ўтдилар: **«Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади».**

Маълумки, 2008 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устивор йўналишларини белгилаб амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди; иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши берилган эди.

2008 й иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда амалга оширилган ишлар натижалари

Устувор йўналишлар	Асосий вазифалар	Эришилган натижалар
--------------------	------------------	---------------------

< >

<p>4-устувор йўналиш: Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш</p>	<p>- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурини амалга ошириш; мелиорация ишларини молиялаштириш механизмини</p>	<p>ерларнинг мелиоратив ҳолати нисбатан яхшиланди; мелиорация иншоотлари ҳолати яхшиланди;</p>
---	--	---

Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилди. Бу чора-тадбирнинг 4-устивор йўналишида ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилаш ва унумдорлиги оширишга қаратилган бўлиб, асосий вазифалар ва эришилган натижалар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 й 19 мартдаги ПК-817-сон «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳисобот йилида мазкур Давлат дастури доирасида жами 92.9 млрд сўмлик (123,8%) маблағ мақсадли ўзлаштирилди. Жумладан, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 47 лойиҳа (22,4 млрд. сўм) ҳамда 429 ўрнига амалда 243 объект бўйича (38,6 млрд. сўм) таъмирлаш- тиклаш ишлари амалга оширилди ва 31,9 млрд. сўмлик мелиоратив техникалар харид қилинди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 266,5 км коллекторлар реконструкция қилинди ва қурилди, узунлиги 11052,7 км магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар тозаланди, жами 896,2 км масофада ёпиқ-ётиқ зовур тармоқлари таъмирланди ҳамда лизинг асосида 144 гидравлик занжирли экскаваторлар келтирилиб, шундан 112 янги ташкил этилган Давлат унитар корхоналарига етказиб берилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш борасида 2009 й 3710 га ер майдонида томчилаб суғоришни ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт табиий ресурслар, энг аввало, уларнинг қайта тикланмайдиган турлари ҳисобланувчи ер ва сув ресурсларидан тежамли ва эҳтиёткорона фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Маълумотларга кўра, агар мамлакатимизда 1996 йилда 1 кишига тўғри келувчи экин майдони 0,171 га ташкил этган бўлса, 2010 й келиб б у кўрсаткич 0,136 га, яъни 1,3 марта қисқарди. Бу эса Ер кодекси, сув ва сувдан фойдаланиш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш заруратини оширмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг ушбу мақсадда фойдаланиш доирасидан чиқиб кетиши жараёнларини тартибга солишда ер участкаларини ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ажратиб бериш бўйича низомнинг ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик

ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробари, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробардан, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;

- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда

замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Республикада озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонда янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ерга майдонга интенсив боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экиш реконструкция қилиш белгиланган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижаларини умумлаш - тириш қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш имконини беради.

1. Ер тузиш тадбирлари асосан антропоген экологик тизимларни яратишга қаратилган бўлади. Бироқ бунда атроф-муҳитдаги табиий экологик баланс (тенглик) бузилади. Шунинг учун фақат экологик омилларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири қонуниятларини ҳамда уларнинг жавоб реакцияларини чуқур билиш ва ҳисобга олиш асосида турғунлаштирилган антропоген агроэкологик тизимларни яратиш мумкин;

2. Экологик омилларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши натижаларига таъсири даврийлик (циклик) кўринишига эга бўлади.

3. Маълумки ернинг унумдорлиги кўп жихатдан тупрокдаги органик моддалар таркибига, минерал ўғитлардан унумли фойдаланишга, сувдан тежаб фойдаланиш технологиясининг элементларини жорий қилишга боғлиқдир. Бузилган ерларни рекультивация қилиш, фан-техника ютуқларини ва илғор тажрибани қўллаш, интенсивлантиришни кучайтириш кўп жихатдан алмашлаб экишни жорий қилишга боғлиқ. Илмий жихатдан асосланган ва пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларга мос келадиган алмашлаб экишни жорий қилиш ишлаб чиқариш омилларидан унумли фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Бузилган ерлар ҳолатини яхшилаш ва улар самарадорлигини ошириш алмашлаб экиш туфайли яхшиланади, суғориш суви тежалади ва хўжаликнинг молиявий аҳволи яхшиланади.

4. Ерларнинг ҳолати ёмонлашган массивларда техник ва биологик рекультивациялашни тўғри йўлга қўйиш натижасида ернинг сифатини яхшилашга эришилади.

5. Республика иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқлар каби ўзига хос ўринга эга. Шунинг учун ҳам, бузилган ерларни рекультивациялашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ишлаб чиқаришни уларга мос равишда ташкил этиш ва улардан келиб чиққан ҳолда тармоқ фаолиятини белгилаш соф даромаднинг 12217.2 минг сўмга ошиши, самарадорлик курсаткичининг 2.1 % кутарилиши учун замин яратади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар

1. "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонун. -Т.: Адолат, 1998.
2. Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19 жилд.-Т.: Адолат, 1998.
3. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун. -Т. Адолат, 1993.
4. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун. -Т.: Адолат, 2004.
5. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-жилд. - Т.: Шарқ, 1998.
6. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 2006.
9. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
10. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз —Т. Ўзбекистон. 1994.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.-Т.:Ўзбекистон, 1998.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурсларида тежамкорлик билан фойдаланиш-бош йўлимиз. "Қишлоқ ҳаёти" газетаси 15 июль, 2002.

14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
15. Абдураззоков А.Т. ва бошқ. "Ўрмон тузиш асослари ва ихота дарахтлари полосаларини лойиҳалаш" фанидан ўқув қўлланма. -Т.: ТИМИ, 2008.
16. Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
17. АvezбаевС. Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. -Т.: Янги аср авлоди, 2004.
18. Бобожонов Р.Б. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари. Т.: ТИМИ, 2005.
19. Греко Жак. Защита почв от эрозии. -М.: Лесная промышленность, 1983.
20. Ёрматов Ф. Меҳнатни муҳофаза қилиш. -Т.: 2002.
21. Землеустройства в орошаемых районах средней Азии Абдуразаков А.Т.. Сафагариев Р.А Т : Узгипрозем, 1987.
22. Зайцева А.А. Борьба с ветровой эрозией почв. -М.: Колос, 1990.
23. О.Рамазонов, О.Юсупбеков. Тупроқшунослик ва деҳқончилик. –Т.: Шарқ, 2003.
24. Землеустроительное проектирование – 2-е изд. Учебник и учеб.Посибия для ВУЗ www.ars.ru.
25. Землеустроительное проектирование и организация Землеустроительных работ.[www. prom. Kz](http://www.prom.kz).
- 26.МГУ им. М.В. Ломоносова Мелиорация эродированных почв и агролесомелиорация [www.soil. msi.ru](http://www.soil.msi.ru).

ИЛОВАЛАР